2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 6 (1067), 2024 йил 10 январь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, МАДАНИЯТ СОҲАЛАРИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 январь куни савдо ва хизматларни ривожлантириш, туризм ва маданият масканларини барпо этишга оид тақдимот билан танишди.

Бу ҳақда ўтган йили 18 декабрда бўлган видеоселектор йиғилишида топшириқлар берилган эди. Хусусан, мамлакатимизда туризм салоҳияти катта экани, уни самарали ишга солиб, сайёҳлик масканлари ва меҳмон ўринларини кўпайтириш лозимлиги таъкидланганди.

Тақдимотда шунга мувофиқ тайёрланган лойиҳалар кўриб чиқилди.

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Тошкент вилоятининг Паркент тумани тоғлари жуда хушманзара. Айниқса, баҳор-ёз мавсумида сайёҳлар билан гавжум. Бу борадаги шароитларни кенгайтириш мақсадида Шаҳрисабздаги Мираки, Паркентнинг Нуробод ва Кумушкон ҳудудларида замонавий дам олиш масканларини барпо этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Қашқадарёдаги Майданак тоғ масканида енгил конструкцияли хостеллар қуриш, мавжуд биноларни савдо ва хизматларга қайта ихтисослаштириш, ҳудудни ободонлаштириш мўлжалланган.

Туристлар борадиган жойлардан бири бу — бозор. Лекин бугунги кунда айрим бозорларимиз туристлар учун жозибадор эмас, уларда миллий колорит етишмайди.

Шу боис, давлатимиз раҳбари миллий маданиятимизни акс эттирган бозор мажмуалари лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасини қўйган эди. Тақдимотда тарихий шаҳарларимиздаги бозорларни туристлар учун жозибадор масканларга айлантириш бўйича дастлабки лойиҳалар намойиш қилинди.

— Бозорларимизнинг ўзига хос жиҳатларини сақлаб қолган ҳолда уларни юртимизнинг “ташриф қоғози”га айлантириш керак. Озиқ-овқат, кийим-кечак, заргарлик дўконлари, ошхоналар, кўнгилочар масканлар ҳамоҳанг бўлиши, харидорлар ва туристларни ўзига жалб қилиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борада Туркия ва араб мамлакатлари тажрибасини ўрганиш, лойиҳалаштиришга хорижий мутахассисларни таклиф этиш муҳимлиги айтиб ўтилди.

Тақдимотда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби туризм марказларида қурилиши режалаштирилаётган бозорлар ҳақида ҳам ахборот берилди. Давлатимиз раҳбари уларда ҳам ҳудудий колоритни акс эттириш, туристлар учун кенгроқ шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг мажлисида Тошкент давлат цирки фаолиятини яхшилаш масаласига тўхталиб ўтган эди. Бугунги тақдимотда ушбу маданият даргоҳини таъмирлаш, соҳа учун кадрлар тайёрлашда таълим ва амалиётни уйғунлаштириш мақсадида 300 ўринли ўқув биносини барпо этиш режалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни такомиллаштириш ва сифатли қуриш юзасидан қўшимча кўрсатмалар берди.

ЎзА

Янги Ўзбекистон орзуси

МАҚСАДИМИЗ ҳам, ЙЎЛИМИЗ ҳам АНИҚ

МАСЪУЛИЯТ ВА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ КЎЗЛАГАН МАРРАМИЗГА ЕТКАЗАДИ

(Иккинчи мақола)

КОМИЛЛИК ЙЎЛИНИНГ МАНЗИЛИ ҚАЙДА?

Жамиятимиз тараққиётининг бугунги вазифа ва йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, тўлиқ асос билан таъкидлаш лозим: халқимизнинг “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғоясини чуқур ва мустаҳкам қарор топтириш давримизнинг энг долзарб ва юксак юмушига айланди. Миллий ғояни халқимиз онги ва тафаккурига сингдириш биз учун ҳаётмамот масаласидир.

Ҳозирги кўп қутбли дунё қийинчилик билан шаклланаётган бир пайтда ғоялар ролининг ошиб бораётгани гувоҳи бўляпмиз. Сайёрамизда янгича халқаро тартибот шаклланаётган айни паллада жаҳондаги кучлар мувозанати турли марказлар ўртасида зиддиятли ҳал қилинаётир. Шу билан бирга, мафкура омилига талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Ғоявийлашув тенденцияси кучайиб бораётган бугунги мураккаб замонда ҳар бир мустақил мамлакатнинг жаҳон сиёсий ва иқтисодий маконида муносиб ўрнини мустаҳкам эгаллагани ҳолда, ўз келажагига ишонч билан қарай олиши учун жамият аъзоларининг ғоявий эътиқоди масаласини тўғри ҳал қилиш лозим. Инсониятнинг тарихий тажрибасига мурожаат қилсак, масаланинг нечоғлиқ муҳимлигига амин бўламиз. Кўпгина мамлакатларнинг таназзулга юз тутишига жамиятда мавжуд бўлган ғоявий парокандалик сабаб бўлган. Ғоявий парокандалик жамиятни бошбошдоқликка олиб келган. Жамият ўзининг аниқ муддаосини англаб ета олмаган ва натижада ҳалокатли, таҳдидли ҳолатга тушиб қолган. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: биз бугунги кескин шароитда ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрмизми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб беряптими? Мана, бугун маънавий-маърифий соҳада масала қандай ўткир ва кўндаланг бўлиб турибди. Булар оддий саволлар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар. Агар биз бу ёруғ дунёда “ўзбек”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади”, деган фикрларидан тегишли хулоса чиқаришимиз керак.

Давоми 3-бетда

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

ПАРВОЗ БОШЛАНДИ

Бир қанотда ёшлар, бошқасида тадбиркорлар

2023 йил жаҳон майдонида ҳам, юртимиз ҳаётида ҳам қизғин кечди. Ўтган йил чиндан ҳам оламшумул воқеалар, катта ютуқлар, барча соҳаларда ривожланишларга бой бўлди. Тарихимизда илк бор халқимиз референдум йўли билан янгиланган Конституциямизни қабул қилди. Мамлакатимиз бир қанча нуфузли тадбирларга мезбонлик қилиб, жаҳон ҳамжамияти эътиборида бўлди. Энг асосийси, яна бир йилни тинчлик-хотиржамликда кузатдик ва янги 2024 йилни кутиб олдик.

Анъанага мувофиқ, жорий йилни ҳам унга ном бериш билан бошладик. 2024 йил мамлакатимизда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилинди. Демак, бу йилда ҳам юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғини ташкил этадиган ёшлар ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг чин маънодаги локомотивига айланган бизнес соҳаси янада қўллаб-қувватланади. Мана шу мақсад атрофида барча вазифалар бирлашиб, юртдошларимиз ҳаётини яхшилашга қаратилган ислоҳотлар фаол давом этади. Президентимиз халқимизга йўллаган байрам табригида таъкидланганидек, жорий йилда иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар яратишни янада кучайтириш, илм-фан, инновация, IT каби соҳаларни, “яшил” ва рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ижтимоий соҳалар ривожи мутлақо янги босқичга кўтарилади.

Энг биринчи кундан...

“Бизнес” сўзи инглизча иш, машғулот, корхона, деган маъноларни англатади. Шунга кўра, бизнесни қўллаб-қувватлаш, деганда бандликни, машғулликни, иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғидаги ривожланиш, ўсиш омиллари, эркин бозор иқтисодиёти ва буларнинг ортидан аҳоли фаровонлигини оширишни тушуниш мумкин. Чунки ҳудудларда бизнес қанчалик ривожланиб, тадбиркорлар сони ортса, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлиги ошиб, иқтисодий ўсиш шунча юқорилайди.

Давоми 4-бетда

Илм-фан тараққиёти

ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ЯНГИ ВАКЦИНА ЯРАТДИ

Коронавирус пандемияси авж олган дастлабки пайтларданоқ дунёнинг етакчи олимлари касалликка қарши вакцина яратиш устида иш бошлади. Мамлакатимизда ҳам тождор вирусга қарши самарали вакцина яратиш борасида изланишлар олиб борилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги Геномика ва биоинформатика марказида инсон организмида вирусга қарши иммуноглобулинларни ҳосил қиладиган оқсилни ўсимликлардан олиш, яъни истеъмол қилинадиган вакцина яратиш ғояси илгари сурилди. Марказ олимлари бунинг учун помидор сабзавотини танлади. Ўтган вақт мобайнида олиб борилган тадқиқотлар натижасида истеъмол учун мўлжалланган Tomavac помидор вакцинаси яратилди. Таъкидланишича, эмлама сичқон ва одам қон зардобларини COVID-19га қарши зарарлантирувчи иммуноглобулинлар билан таъминлайди.

Давоми 5-бетда

Бугуннинг гапи

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАНЛАР ҚАЙ ТАРТИБДА СОЛИҚ ТЎЛАЙДИ?

Жорий йил мамлакатимиз солиқ соҳасида ҳам бир қатор янгиликлар билан бошланди. Ўтган йил 28 декабрда қабул қилинган “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун асосида Солиқ кодексининг 369-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ, ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қуйидагича солиқ мажбурияти белгиланди.

Давоми 2-бетда

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ — ҲАР ҚАНДАЙ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИ

Маънавий фазилатлар орасида ҳарбий ватанпарварлик муҳим ўринга эга. У, аввало, инсоннинг Ватан олдидаги бурчини ҳис этиши, юрт манфаатларини ҳимоя қилишда фидойилигини англатади.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг назарияси ва амалиётини ўзлаштириш, ёшларни ҳарбий хизматга, ўз Ватанини ҳимоя қилишдаги бурчларини бажаришга ҳар томонлама кўмаклашиш ҳарбий ўқув юртлари педагогик жамоаларининг муҳим вазифалардан биридир. Ўқувчи-ёшларни Қуролли Кучлар хизматига ахлоқий-сиёсий, психологик, ҳарбий-техник ва жисмоний тайёрлаш ҳарбий таълимнинг мазмуни, шакл ва услублари ҳисобланади.

Давоми 2-бетда

Бугунги энг буюк вазифамиз ва муқаддас бурчимиз янги Ўзбекистон тарихидан ўзимизга муносиб саҳифа очиш ва уни авлодларимиз учун ибрат бўладиган олижаноб ва савобли ишлар билан тўлдиришдир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 10 январь, 6-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ — ҲАР ҚАНДАЙ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИ

Шуҳрат ҲОТАМОВ,
Жамоат хавфсизлиги университети доценти, полковник

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз раислигида 2 январь куни мудофаа қурилиши ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда ҳам ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди.

Биз, аввало, ёшларимиз онгига Ватан деган олий туйғу моҳиятини сингдиришимиз зарур. Зеро, Ватан — бу минг йиллар мобайнида сайқалланиб, кишилар руҳига илҳом берувчи, мард ўғлонларни жасоратга, керак бўлса она замин учун борини беришга ундовчи муқаддас туйғу. Миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак.

Бу муқаддас ғоялар миллати ва эътиқодидан қатъи назар, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онгига сингмоғи, ҳар биримиз учун энг катта таянч, ишонч, борингки, ҳақиқий иймон ишига айланиши керак.

Бугунги энг буюк вазифамиз ва муқаддас бурчимиз янги Ўзбекистон тарихидан ўзимизга муносиб саҳифа очиш ва уни авлодларимиз учун ибрат бўладиган олижаноб ва савобли ишлар билан тўлдиришдир.

Мана шу буюк мақсадлардан келиб чиққан ҳолда биз ҳам ўз олдимизга асосий вазифаларни белгилаб олишимиз керак. Ҳарбий йўналишдаги ўқитувчиларнинг асосий вазифаси — Ватанни жон-жонидан севувчи, унинг равнақи ва озодлиги учун элим, юртим деб ёниб яшайдиган мард ўғлонлар, ўзбек ватанпарварларини тарбиялаб, вояга етказишдир. Бу тарбия, албатта, ахлоқий, меҳнат, эстетик, сиёсий ҳамда жисмоний турлар билан узвий боғлиқликда олиб борилиши керак.

Тарбия турлари орасида ҳарбий-ватанпарварлик муҳим ўрин эгаллайди. Чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик машғулотлари, ҳарбий-ватанпарварлик ва оммавий мудофаа тадбирларида ўқувчи-ёшлар Қуролли Кучларимиз сафларидаги бўлажак хизматлари ва Ватанимиз ҳимояси учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакани ўзлаштиради. Улар бу машғулотлар ва тадбирлар давомида ҳарбий иш ва хизмат асосларида дастлабки маълумотларни олади. Қуролли Кучларимиз тарихи, бугунги кундаги фаолияти ва салоҳияти, қўшин турлари, уларнинг вазифалари, хизмат қилиш тартиблари каби зарур билимларни чуқур ўрганади.

Қачонки қайси бир давлат ёки армия шахсий ахлоқий-сиёсий ва психологик жиҳатдан саботли бўлса, улар ўз Ватанига чексиз муҳаббатда, садоқатда бўлса, бундай халқ ёки қўшин ҳеч қачон енгилмайди. Чунки улар сиёсий жиҳатдан етук, психологик жиҳатдан эса собит инсонлардир. Бундай инсонлар ҳар қандай машаққат ва қийинчиликлар олдида эсанкирамайди, иккиланмайди, аксинча, бор шижоати ила фақат ғалаба учун курашади.

Тарихдан маълумки, кўп урушлар натижаси жанг қилаётган томонлар қўшинларининг руҳий ҳолатига боғлиқ бўлган. Демак, бизнинг вазифамиз ўз Ватанига чексиз садоқатли, руҳий жиҳатдан етук ёш авлодни тарбиялаш, уларда Ватан равнақи, мустақиллиги учун зарур бўлса, жонини фидо этишга тайёр бўлишдек хислатларни шакллантиришдир.

Армия шахсий таркиби нафақат сиёсий ва руҳий жиҳатдан, балки ҳарбий-техник тайёргарлиги жиҳатидан ҳам юқори савияда бўлмоғи керак. Бу шахсий таркиб ҳарбий билим ва малакаларни пухта эгаллаши, интизомли ва тартибли бўлиши, ҳарбий қасамёд ва низом талабларини сўзсиз бажариши, қўл остидаги жанговар техника ва қуроллардан моҳирона фойдалана олиши керак, деганидир.

Ёшларда, албатта, юқорида айтилган барча жанговар хислатлар ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий йўналишларидан бири бўлган ҳарбий-техник тайёргарликда шакллантирилади. Бу ишларда ҳарбий-техник жиҳатдан юқори даражада тайёрланган чақирилувчи ёшларни тарбиялашда чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик машғулотлари, “Ватанпарвар” ташкилоти қошидаги тўгараклар фаол бўлиши керак.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий йўналишларидан яна бири ёшларнинг жисмоний тарбияси ҳисобланади. Бу йўналиш ёшларда жисмоний чиниқиш, яъни уларнинг ҳарбий хизмат даврида ҳам, тинчлик вақтида ҳам катта жисмоний юкларни сабот билан енгиш қобилиятини тарбиялайди.

Жисмоний жиҳатдан чиниққанлик бу нафақат соғлом танага эга бўлиш, балки доим Ватан ҳимоясига шайлик ҳамдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бизнинг асосий вазифамиз ёшларни ана шу жараёнга жалб қилиш, улар онгига Ўзбекистон келажаги айнан ёшлар қўлида эканини сингдириш, кундалик машғулотлар, турли тадбирлар давомида уларда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини уйғотишдир.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Риштон тумани “Зоҳидон” маҳалла фуқаролар йиғинида Одинахон ва Мусажон Мирзажоновлар оиласи умргузаронлик қилади. Оддий ва самимий оиланинг ҳаёт тарзи, иш амаллари кўпга ибратли. Мусажон ака темирйўл тармоғида, турмуш ўртоғи тиббиёт соҳасида ишлаб нафақага чиққанди. Оилада тўрт ўғил камолга етди. Уларнинг икки нафари ҳаётини шарафли ва машаққатли касб — Ватан ҳимоячиси бўлишга бағишлаган ўғлонлардир.

— Ҳарбий хизматчининг ота-онаси бўлиш шарафли, шу билан бирга, катта масъулият, — дейди меҳнат фахрийси Мусажон ака. — Ўзим ҳам болаликдан ҳарбий бўлишга қизиққанман. Лекин ёлғиз онам, кексайган бобом ва бувимни ўйлаб, ҳарбий бўлиш орзусидан воз кечгандим. Мамлакатимиз мустақил бўлган илк кунларданоқ ўғилларим шарафли ва муқаддас бурч йўлида ўқиб-ўрганиши, жисмонан ва маънан соғлом камолга етиши йўлида ҳаракат қилдик. Меҳнатларимиз бесамар кетмади. Тўнғич ўғлим Ботиржон ва кенжамиз Тоҳиржон ҳарбий хизматни ўташ жараёнида кўпга ибрат, намуна бўлди. Шу тариқа ҳаётини ҳарбий соҳа билан боғлади. Шартнома асосида ҳарбий қисмларда қолиб, юрт тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

Ҳарбийлик юртни ҳимоя қилишга бағишланган қисматга қиёсланади. Бу бежиз эмас. Хизматга шайланган кишилардан кучли ирода, қатъият талаб этилади. Аслида, ўғлини ҳарбий хизматга кузатиб, соғинч изтиробидан тўлғонган оналарга ҳам қийин. Тўғри, бугун замон ўзгарди, қулай уяли алоқа воситалари орқали улар билан гаплашиш, ҳол-аҳвол сўрашиш осон. Лекин ҳар бир она ўз жигарбандини бағрига босгиси, бир дастурхон атрофида таом егиси келади.

— Аёл учун ўз фарзандлари бахту иқболини кўришдан улуғ неъмат йўқ, — дейди Одина опа. — Фарзандларим — бахт қанотларим. Уларни элга керакли инсонлар қилиб тарбиялаганимдан фахрланаман. Юртимиз тинчлиги, фарзандларим бахту камолини алқаб, дуолар қилиб ўтирибман. Ҳарбийлар қаерга жўнатилса, ўша ерда яшашга, керак бўлса, ўз жонини юрт ҳимоясига бағишлашга тайёр инсонлар. Шунинг учун ҳам уларни Ватан ҳимоячиси, юрт посбони, деб улуғлаймиз. Фарзандларим таътилга келса, уйимиз чароғон бўлиб кетади. Ҳарбий либослари ўзига ярашган, ўктам ўғлонларимни кўриб ғурурланаман. Ўғилларимнинг қўллаб-қувватлаши, амалий ёрдами билан яқинда Умра сафарини адо этиб қайтдик. Ота-она учун бундан катта бахт бўлмайди. Бугунги тўкин дастурхон, тинчлик-тотувлик, фаровон ҳаёт замирида кунни тунга улаб, бедор бўлиб хизмат ўтаёган жонсарак ўғлонларимизнинг ҳиссаси катта.

Ватан ҳимоячилари камолга етган оила ҳаёт тарзи билан танишиш жараёнида пойтахтдаги ҳарбий қисмларнинг бирида хизмат қилаётган Ботиржоннинг турмуш ўртоғи меҳмонга келганидан хабар топдик. Суҳбатимиз бевосита ҳарбийлар оиласи турмуш тарзига боғланиб кетди.

— Ҳаётимни ҳарбий инсон билан боғлаганимдан афсусланмайман, — дейди Фаридахон Мирзажонова. — Турли ҳудудларга кўчиб ўтиш, янги қўни-қўшнилар билан тил топишиш, иш, уй юмушлари, фарзанд тарбиялашдек масъулиятли ишга бош-қош бўлиш осон эмас, албатта. Лекин бу — ҳаёт. Унинг ширин ва аччиқ дамлари бўлиши табиий. Сўнгги йилларда нафақат ҳарбийларга, балки уларнинг оила аъзоларига ҳам қатор имтиёз ва тўкис шароитлар яратиб берилянпти. Бу ислоҳотлар самарасини ўз ҳаётим мисолида кўриб турибман. Ҳарбий хизматчилар учун пойтахтимизнинг Яшнобод туманида қурилган янги уйлардан бирига кўчиб ўтдик. Тўнғич фарзандим Бекзод ҳарбий хизматчи фарзандларига берилган имтиёз ва имкониятлар туфайли Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига ўқишга қабул қилинди. Мақсадлари бир олам. Отаси каби ҳарбий соҳада хизмат қилиш, юртга муносиб фарзанд бўлиш йўлида бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

Ватан ҳимоячилари куни байрами олдидан бу оилага келувчилар янада кўпаяди. Ҳарбий-ватанпарварлик ойлиги доирасида ҳудуддаги 13- ва 34-умумтаълим мактабларида ҳарбий хизмат ўтаётган аскарлар, уларнинг яқинлари, ўқувчи-ёшлар, маҳалла фаоллари, нуронийлар иштирокида “Уч авлод учрашуви” тадбирлари, спорт мусобақалари ўтказиш анъанага айланган.

— Маҳалламизда ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган ўндан ортиқ оила фарзандлари бор, — дейди фуқаролар йиғини раиси Расулжон Раззоқов. — Уларнинг ҳаёт, иш амаллари кўплар учун ибратли. Шу боис, бўлса керак, ёшлар ўртасида ҳарбийлик касбига қизиқиш катта. Бир пайтлар ҳарбий хизматга бормасликка ҳаракат қилинган. Бугун эса ҳамма хизматга бориш учун ошиқмоқда. Сабаби, юрт тинчлиги йўлида хизмат қилаётган ёшлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Эрта тонг маҳаллага чиқсангиз, соғломлаштириш машқларини бажараётган ёшларга кўзингиз тушади. Уларнинг аксарияти ҳарбий билим юртларида ўқиш истагида бўлганлардир. Ёшлар ўз мақсадлари йўлида ҳар жиҳатдан чиниқишга, билим ва кўникмасини ошириб боришга ҳаракат қилмоқда. Бу юртимиз тинчлиги ва осойишталиги ишончли қўлларда эканидан далолат.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугуннинг гапи

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАНЛАР ҚАЙ ТАРТИБДА СОЛИҚ ТЎЛАЙДИ?

Адҳам АБДУРАҲМАНОВ,
Солиқ қўмитасининг Солиқ тўловчиларга хизмат курсатиш департаменти бўлим бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, 2024 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида ёки товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларига ушбу даромадлар солиқ даврида юз миллион сўмдан ошган кундан эътиборан, якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда солиқ солинади.

Маълумки, Солиқ кодексининг 461-моддаси биринчи қисми 2-бандида солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар ҳисобланиши белгиланган.

Шунга асосан, солиқ даврида меҳнат фаолияти натижасида ёки товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларига юз миллион сўмдан ошган кундан эътиборан ушбу кодекснинг 467-моддасига асосан, 4 фоизлик ставкада айланмадан олинадиган солиқни тўлаш лозим бўлади.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар электрон тижорат иштирокчиси ҳисобланиб, яъни электрон савдо майдончасида товарларни (ишларни, хизматларни) чакана сотиш бўйича фаолиятни амалга оширганда ҳам айланмадан олинадиган солиқ 2 фоизлик ставкада тўланади.

> **Айтайлик, ўзини ўзи банд қилган шахснинг жорий йил январь ойида меҳнат фаолиятидан олган даромади 101 миллион сўмни ташкил этса, ошган қисмидан, яъни 1 миллион сўмидан 4 фоизлик ставкада солиқ тўлайди. Бу 40 минг сўмни ташкил қилади.**

Президентимизнинг 2022 йил 30 декабрдаги фармони асосида бешинчи тоифага киритилган ҳудудлардаги ўзини ўзи банд қилган шахсларга айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 2026 йил 1 январга қадар 1 фоиз миқдорида қўлланилади.

Президентимизнинг 2022 йил 30 декабрдаги фармони асосида бешинчи тоифага киритилган ҳудудлардаги ўзини ўзи банд қилган шахсларга айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 2026 йил 1 январга қадар 1 фоиз миқдорида қўлланилади.

Айтайлик, ўзини ўзи банд қилган шахснинг жорий йил январь ойида меҳнат фаолиятидан олган даромади 101 миллион сўмни ташкил этса, ошган қисмидан, яъни 1 миллион сўмидан 4 фоизлик ставкада солиқ тўлайди. Бу 40 минг сўмни ташкил қилади.

Ўз навбатида, ушбу шахсларга айланмадан олинадиган солиқ бўйича ҳар ойда ҳисобот даври якунлари бўйича — ҳисобот давридан кейинги ойнинг ўн бешинчи кунидан ҳамда йил якунлари бўйича — солиқ давридан кейинги даврнинг 15 февралидан кечиктирмай ҳисобот тақдим этиш мажбурияти юкланади.

Тўловларни амалга ошириш ҳисобот тақдим этиш муддатидан кечиктирмай бажарилади. Яъни юқоридаги мисолда қайд этилган 100 миллион сўмдан ошган даромаднинг 1 миллион сўми учун февраль ойининг 15 санасига қадар солиқ ҳисоботи тақдим этилиши ҳамда шу муддатга қадар тўлов амалга оширилиши керак.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар юридик шахсларга хизмат кўрсатишда (товарларни сотишда) электрон ҳисоб-китоб фактураларни тақдим қилиши ҳамда назорат-касса техникаси ва банк пластик карточкаси орқали ҳисоб-китоблар бўйича тўлов терминалларидан фойдаланади. Шунингдек, тижорат банкларида ҳисобварақ очган ҳолда фаолият юритишлари мумкин. Ушбу маълумотлар Солиқ қўмитасининг маълумотлар базасида ташқи манба ахборотлари асосида шаклланади. Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромади юқорида қайд этилган маълумотлар асосида аниқланади.

Шу ўринда бир савол туғилади. Даромади 100 миллион сўмдан ошган ўзини ўзи банд қилган шахслар якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ)лар каби ходимларни ёллай оладими?

Маълумки, якка тартибдаги тадбиркорлар 5 нафаргача ходим ёллаган ҳолда фаолият юритиши мумкин. Ходимни ёллаш бевосита икки томон ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси асосида амалга оширилади ҳамда солиқ органларига ҳар бир ёлланган ходимни мажбурий тартибда ҳисобга қўйиши лозим бўлади. Шу билан бирга, ЯТТ зиммасига ҳар бир, яъни 5 нафар ишчи учун даромад солиғи ҳамда ижтимоий солиқ тўловини амалга ошириш мажбурияти юклатилган. Шунга асосан, ўзини ўзи банд қилган шахслар ўз фаолиятида ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланишга ҳамда тадбиркорлик субъектларига ёлланган ходим сифатида меҳнат фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

Аммо қайд этиш керакки, киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан, ўзини ўзи банд қилган шахснинг жами даромади солиқ даврида 100 миллион сўмдан ошса, ЯТТга айланмайди. Фақатгина солиқ тўлаш мажбурияти ЯТТ сифатида белгиланади.

Ижтимоий солиқ тўлаш ихтиёрий. Яъни даромади 100 миллион сўмдан ошган ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳам йилига бир маротаба базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида меҳнат стажини ҳисоблаш учун ижтимоий солиқ тўлаши мумкин.

Янги Ўзбекистон орзуси

МАҚСАДИМИЗ ҳам, ЙЎЛИМИЗ ҳам АНИҚ

МАСЪУЛИЯТ ВА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ КЎЗЛАГАН МАРРАМИЗГА ЕТКАЗАДИ

(Иккинчи мақола)

> Миллий ғоя, миллий мафкурани ишлаб чиқиш ва уни шакллантиришдек шарафли вазифани адо этишда ҳар қайси миллатнинг энг илғор вакиллари, керак бўлса, мутафаккирлари, халқ ва Ватан равнақи йўлида ҳаётини бағишлайдиган фидойи зиёлилари меҳнат қилиши лозим.

Шукритдин ПАХРУТДИНОВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Биринчидан, мамлакатимиздаги барча тизим, ташкилотлар фаолиятини “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғоясини ҳар томонлама чуқур қарор топтириш вазифасига бўйсундириш лозим. Кўп ҳолларда фақат миллий ғоянинг долзарблиги ва зарурлигини асослаш билан овора бўляпмиз. Ваҳоланки, гап уни одамлар онгига чуқур сингдириш ҳақида бормоқда. Яъни жамиятимизда миллий ғояни шакллантиришнинг энг самарали чора-тадбирларини, услуб ва воситаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ барча масалани кечиктирмай ҳал қилиш даркор. Назаримизда, ушбу вазифага ягона тизим сифатида ёндашмоқ зарур. Мазкур тизимга таълим-тарбия муассасалари билан бир қаторда, бошқа муассасалар, илм-фан, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, ҳокимлик ва вазирликлар ҳам бевосита масъул бўлиши керак.

Иккинчидан, бу вазифани бажаришда, фикримизча, услубий ёндашув муаммосини тўғри ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бошқача қилиб айтсак, мафкуравий тарғибот воситаларини қўллашдан олдин ёшлар жамоаси бўладими, меҳнат жамоаси бўладими ёки туман, вилоят аҳолисими — уларнинг ўзига хос интеллектуал, ижтимоий жиҳатларини, онглилик даражасини, албатта, ўрганиб чиқиш ва ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу ўринда гап миллий ғояни тарғиб қилиш жараёнида танланма ёндашув зарурлиги ҳақида бормоқда. Гап шундаки, инсон, гуруҳ ва умуман, жамият тафаккурида мустақиллигимизнинг меваси ҳамда буюк келажагимизни таъминловчи, мамлакатимизни турли ғанимлар таҳдидидан кучли ҳимоя қилувчи миллий ғоямизни қарор топтириш, уни мустаҳкам ишонч даражасига кўтаришга бир хил қолипдаги услублар билангина ёндашиш ва улардан самарали натижалар кутиш жуда катта хато бўлар эди.

Шунинг учун ҳам мафкуравий тарбия ишлари самарадорлигини таъминловчи услуб ва воситалар устида тинмай бош қотириш, изланишлар олиб бориш ҳамда уларни амалиётга кечиктирмасдан, тўғри татбиқ қилиш устувор вазифага айланмоғи керак. Бу ўринда миллий ғояни шакллантириш жараёнида бирваракайига икки муҳим масалани ҳал қилишга алоҳида эътибор бериш зарур: биринчиси, мустақил Ватанимизнинг порлоқ келажаги, кучли ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини, янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадга қаратилган кучли ишончни қарор топтириш, иккинчиси, мафкуравий тарбия воситасида ёшларда экстремизм, ақидапарастлик, умуман, ёт ғояларга қарши кучли мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборат.

Бу ҳолат мафкуравий ишларимизга услубий жиҳатдан кенг қамровли ёндашиш, услубий йўналишлар хилма-хиллигини тақозо этади. Мафкуравий хавф-хатарлар фаоллашиб, бевосита таҳдид даражасига кўтарилиши эҳтимоли ҳар қачонгидан ҳам кучайган бугунги шароитда ёшлар тафаккурида мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш миллий ғояни шакллантириш вазифасининг энг муҳим ўзагидир. Ушбу соҳадаги саъй-ҳаракатларимиз натижаси муайян даражада мафкуравий ишларимиз самарадорлигини белгиловчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, миллий ғояни шакллантириш бевосита мустақиллик берган демократик ҳуқуқлар, конституциявий ҳуқуқ нормаларининг ёшлар томонидан юқори даражада англаниши жараёни билан чамбарчас боғлиқ кўрилиши керак. Чунки миллий ғоянинг ҳаётимизда ғоят муҳимлигини билдирувчи асослар ана шу конституциявий ҳуқуқда мужассам. Зеро, миллий ғояни инсон онги ҳамда тафаккурига сингдириш ва ривожлантириш учун кенг имконият яратган, фуқароларимизга мустақиллик ҳуқуқини берган омил Конституциямиздир.

Миллий ғоя, миллий мафкурани ишлаб чиқиш ва уни шакллантиришдек шарафли вазифани адо этишда ҳар қайси миллатнинг энг илғор вакиллари, керак бўлса, мутафаккирлари, халқ ва Ватан равнақи йўлида ҳаётини бағишлайдиган фидойи зиёлилари меҳнат қилиши лозим. Ғоявий тарбиянинг мукаммал механизмини барпо қилишда такомиллашган услублардан фойдаланиш ҳақида гап борар экан, масаланинг яна бир ўта муҳим жиҳатига эътибор қаратмоқчимиз. Бу ғоявий тарғибот ишларининг асосий тамойиллари билан боғлиқ бўлган масаладир. Миллий ғояни тарғиб ва ҳаётга жорий қилишда халқчиллик етакчи тамойил бўлиши лозим. Бу ўринда буйруқбозлик, маъмурий яккаҳокимлик, бюрократизмга йўл қўйиш нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Айниқса, ҳокимлик тизими вакиллари ниҳоятда эҳтиёт бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки маънавиятга дахлдор ишларни жон куйдириб қилиш ўрнига, иккинчи даражали масала сифатида қараётган раҳбарлар кам эмас.

Мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишларига бутунлай янгича шижоат билан киришиш зарур экан, аввало, бунинг учун соғлом мулоқот маданиятини тарбиялашнинг услуб ва воситаларини ҳал қилиб олишимиз зарур. Унда одамларнинг ёши, ижтимоий ҳолати, фикр-хаёли, орзу-интилишлари чуқур қамраб олинган бўлиши керак. Ана шунда жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, ёшлар қалбига йўл топа оламиз. Ёшларимизга кўпинча панд-насиҳат қилиш билан овора бўлиб қолямиз. Сийқаси чиққан панд-насиҳат ҳаддан ошиб кетгани боис, ёшлар уни кўпинча дашном сифатида қабул қилаётир.

Ёшлар тафаккурини миллий ғоя билан қуроллантирмоқчи эканмиз, бунинг учун, биринчи навбатда, уларда эркин шахс маънавиятини юксалтириш зарурлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши биладиган, мустақил фикрли йигит-қизгина мустаҳкам эътиқодга эга бўлади. Ушбу ғоя мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг асосига айлантирилди. Яъни миллатимиз, давлатимиз ва жамиятимиз тақдири, буюк келажаги бевосита ёшлар камолоти, баркамол бўлиши билан узвий боғлиқликда қурилмоқда. Шундай экан, мамлакатимизнинг бебаҳо салоҳияти, бугуни ва келажагининг асоси бўлган ёшлар ҳамда уларнинг фикр-хаёли, дунёқараши тўғри шаклланиши, орзу-интилишлари қарор топиши тўғрисида қайғуриш, бунда катта масъулият ҳиссини сезиш жамиятимиз олдида турган муҳим вазифадир.

Ёшлар равнақи туфайлигина жамиятимиз кучига куч, қувватига қувват, бойлигига бойлик қўшилишини шунчаки англаш эмас, балки ҳаётий фаолиятимизнинг асосий тамойилига айлантириш вақти аллақачон келган.

Жаҳон тажрибасига мурожаат қилсак, ривожланган мамлакатларнинг барчаси мана шу йўлдан борган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бугун ёшларимиз тафаккурида она юртимиз кўзлаётган эзгу мақсадлар билан ҳамоҳанг дунёқарашни шакллантириш бош стратегик вазифа бўлиб турибди.

Мафкуравий иммунитет ривожланаётган ҳар қандай жамият учун сув ва ҳаводек зарур сиёсий-ижтимоий омилдир. Мамлакат миқёсида бундай иммунитетнинг қай даражада мустаҳкам шакллганига қараб, жамият нечоғлик кучли ёки кучсизлигини муайян даражада белгилаш мумкин. Жаҳон тажрибасига кўра, жамиятда мафкуравий иммунитетнинг қарор топиш жараёни аслида жамият ҳаётининг барча бўғинини қамраб олган ҳолдагина амалга ошади. Чунки унинг ўзига хос мураккабликлари мавжуд. Шунинг учун ҳам олимларимиз, мутахассисларимиз ушбу вазифани амалга оширишнинг илмий-назарий жиҳатлари хусусида бугун ҳар қачонгидан кўпроқ бош қотирса, амалий таклифлар берса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Энди миллий ғоямиз, мафкурамиз ҳақида фақат умумий фикрлар билдириш билан мақсадга эришолмаслигимиз барчага, айниқса, ёшларимизга аниқ бўлиб қолди.

Бу ўринда ёшлар онгида миллий ғоя ва мафкурани қарор топтириш жараёни бир-бири билан узвий боғлиқ вазифалар тизимидан иборат эканига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мазкур тизим, аввало, жамият аъзоларининг мавжуд сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражаси, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, оммавий ахборот воситалари фаолияти, таълим-тарбия соҳасини қамраб олади. Бу борада, албатта, пухта ўйланмаган режаларни шошма-шошарлик билан амалга оширишга ҳаракат қилиш, гуруҳбозликка йўл қўйиш умумий ишимизга қанчалик катта зарар келтиришини доим ёдда тутиш даркор. Ҳар томонлама чуқур ўйланмасдан қўйилган биргина қадам ниҳоятда хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлиги айни ҳақиқат.

Президентимиз йиғилишларнинг бирида “Бугун қанча ёшлар сохта алдовларга учиб, ўз умрини хазон қилаётганини ўйлаб, тўғриси, тунлари ухламасдан чиқаман. Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу аччиқ ҳақиқат юрагимизга ханжар бўлиб санчилиши керак эмасми?

Ахир, кечагина шу ёшлар, ўзимизнинг қоракўзлар, биримизнинг маҳалладошимиз, биримизнинг ўғлимиз, биримизнинг қизимиз ёки жиянимиз эди-ку! Улар қачон адашди, қачон нотўғри йўлга кириб кетди?

Биз нега ғафлатда қолдик? Қачон, қаерда хатога йўл қўйдик? Фарзандларимиз қачон бегоналарнинг қўлига ўтиб кетди? Нима жин урдию улар ўз ота-онаси, ўз юртининг душманига айланиб қолди?

Бугун бу мудҳиш бало-қазонинг олдини олмасак, бор кучимизни шунга сафарбар этмасак, эртага кеч бўлади”, деб куйинчаклик билан гапирган эди. Ҳа, қанчалик аччиқ бўлмасин, бу сўзлар ҳақиқат. Замонавий шароит яратиб, катта маблағ сарфлаб 11-17 йил таълим-тарбия беряпмиз, лекин айрим ёшлар радикализм домига дучор бўлмоқда. Савол туғилади: таълим-тарбияда қандай хатога йўл қўйдик? Менимча, жавоби аниқ: таълим-тарбия самараси ёшларнинг ғоя, мафкура нималигини билиши ва ёдлаши билан бирга, унга ишончи билан белгиланиши керак. Ана шунда кўзланган натижага эришамиз.

Миллий ғояни шакллантириш жараёнида ёшларга хос ўта қизиқувчанлик, ўзини намоён қилишга мойиллик, баъзан эса табиий равишда бўладиган максимализм кўринишларига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим. Миллий ғояни фарзандларимиз онгига сингдиришда мамлакатимиз олдига қўйилган буюк мақсад ва вазифалар ҳамда уларнинг моҳияти чуқур очиб берилиши билан бир қаторда, жараёнда ёшларнинг ҳам ўзига хос ўрни ва роли борлигига асосий эътибор қаратилмоғи зарур. Токи ёшлар ўзларини мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришларнинг ажралмас бўлаги сифатида хис қилсин. Уларда жамият ҳаётидан бегоналашиш кайфиятининг вужудга келишига йўл қўймаслигимиз даркор. Олди олинмаган бундай ҳолат ривожланиб, аввалига экстремистик кайфиятга, аста-секинлик билан мафкурага айланиши ҳеч гап эмас. Бу мафкурани тўғри деб қабул қилган шахснинг дунёқарашини ўзгартиришга оила ва маҳалланинг кучи етмайди.

Ха, ёшлар муаммоси билан шуғулланишга ҳаммамиз бирдек масъулмиз. Аммо бу ўринда бир жиҳатни эътироф этиш зарур: миллий ғоя ва миллий мафкурани ёшларга тарғиб ва ташвиқ қилишда қатнашувчи устозлар, мутахассисларнинг маънавий ҳолати ва даражасига ҳам катта эътибор қаратиш лозим. Жамиятимиз туб асосларига дахлдор, миллатимиз учун муҳим ҳисобланган миллий ғоя ва мафкура масаласига беэътибор қараб ёки уни дуч келган одамга ишониб бўлмайди. Билиб-билмасдан, баъзан эса табиий равишда бўладиган максимализм ёки билимсизлик оқибатида мафкуравий тарбия ишларида кичиккина хатоликка йўл қўйиш даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу билан жамиятимизда рўй бераётган ҳар бир воқеа-ҳодисани синчковлик билан кузатиб турган ғоявий душманларимиз тегирмонига сув қуйган бўламиз. Энди мафкурани ёшлар тафаккурига сингдириш масаласига лоқайд ёндашишга мутлақо ҳаққимиз йўқ. Аксинча, шу пайтгача йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб, тарихий тажрибаларга суянишимиз керак. Ана шунда мафкуравий тарбия соҳасидаги барча ишларимиз самарали кечади. Жамиятимизда юксак маънавият ва маърифатни қарор топтириш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда кўзда тутилган асосий мақсадлар аниқ ва мутлақо тушунарли тарзда таърифланган бўлмоғи лозим.

Маънавият ва маърифат масалалари ҳамда улардан кўзланган мақсадлардан келиб чиқсак, жамиятимиз олдида турган ниҳоятда улкан вазифалар кўз олдимизда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам маънавият ва маърифат ишларини илмий-услубий жиҳатдан тўғри йўлга қўйиш устида тинмай бош қотириш бугун барчамизнинг олдимизда турган ўта масъулиятли вазифа эканини чуқур англаб етишимиз керак.

Соҳадаги ҳар бир чора-тадбир ва бошқа ташкилий-тарғибот ишлари аниқ мақсадга йўналтирилиб, уларга сарфланадиган вақт ҳамда самараси олдиндан режалаштирилмоғи лозим. Катта харажат эвазига қандай натижа чиқиши олдиндан маълум бўлмаган, баъзан эса фақат кампаниябозлик нуқтаи назаридан ўтказиладиган маросим ва тадбирлардан бутунлай воз кечиш керак.

Ёшларни ўзлигимиз ва қадриятларимизга ёт, зарарли ғоялардан, онгни эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлардан асраш ҳар биримиздан масъулият, ҳушёрлик талаб қилади. Шиддат билан кечаётган глобаллашув жараёни “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган ғоянинг марказий майдонга чиқишига сабаб бўлмоқда.

МАСЪУЛИЯТЛИ РАҲБАР — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Мамлакатимизда кадрлар бошқарувидаги изчил ислоҳотлар раҳбарлар фаолиятини халқчил мезонлар асосида ташкил этишни тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир раҳбарга улкан масъулият юкламоқда. Ушбу жараён замонавий бошқарувга оид билим ва кўникмаларга эга бўлиш талабини қўйиш билан бирга, касбий компетенциянинг шаклланганганлик даражасини очиқламоқда. Айниқса, бу ўз хизмат вазифасига ҳалол, виждонан ёндашган ҳолда, масъулият билан ишга киришиш, қўл остидаги ходимларга шахсий намуна кўрсатишга боғлиқ.

Бошқарувда соғлом ва ижодий фикрлаш, жамоада ижобий муҳит яратиш, фаолиятнинг ислоҳотларга мослигини таъминлаш раҳбарларни ҳар қандай шароитда ўзига хос замонавий ёндашувларни белгилашга ундайди. Зеро, ислоҳотлар жадаллашуви ҳар қандай раҳбардан ўз касбига масъулият билан қараш, юзага келган муаммолар сабабини ўрганиш, уни ўз вақтида бартараф қилиш, қўл остидаги ходимларга муносиб меҳнат шароити яратишни талаб этади.

Бугунги замонавий раҳбар зиммасидаги вазифаларга юксак масъулият билан ёндашиш, ўзига талабчанлик орқали натижага эришади. Аввало, раҳбар масъулияти — бошқарув маданиятининг асосий белгиларидан бири бўлиб, муайян соҳага жавобгарлигини ифода этади. У алоҳида етакчи шахс сифатида, оддий ходимдан фарқли равишда кўлами, кенглиги муайян мақсадга қаратилгани билан ажралиб туради. Шу боис, ҳар бир даврда раҳбар масъулияти ҳамиша муҳим саналган. Масъулият, аввало, ҳар бир кишининг виждони, иймони билан бирга, жамоа, жамият, Ватан ва миллат олдидаги бурчини теран англашдир. Қолаверса, зиммасига юклатилган вазифага нисбатан жавобгарлик туйғуси ҳам.

Сиёсий масъулиятсизлик эса сиёсий калтабинлик, сафсатабозлик, найрангбозлик, қаллоблик каби иллатларнинг ниш отишига сабаб бўлади. Бинобарин, раҳбарлик лавозимидаги кишидан юксак онг ва тафаккур, ҳушёр идрок талаб этилади. Тарихий тафаккур ва сиёсий онгнинг қай даражада шаклланиши, аввало, жамият тараққиёти, ички ва ташқи шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда кечади.

Ҳар бир раҳбар масъулиятни ҳис эта олсагина, ортидан жамоани эргаштира олади. Фаолият самарадорлиги ҳам раҳбарнинг салоҳияти ва бошқарувчанлигига боғлиқ. Француз ёзувчиси Ромен Роллан таъкидлаганидек, “Ҳар бир жасоратли, ҳар бир адолатли шахс Ватанга шон-шараф олиб келади”. Аксинча, бугунги замонавий ислоҳотлар шароитида айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, нокомпетентлиги, фаолиятида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда илмий-амалий ёндашувлар мавжуд эмаслиги, фаолияти самарадорлигининг пастлиги давр талаби ва мамлакатимизнинг стратегик мақсадларига жавоб бермаслигини намоён қилиб қўймоқда.

Шу боис, миллий кадрларни танлаш, тайёрлаш ва тайинлашда меритократияга асосланган, субъектив факторлар таъсиридан холи механизмни қўллаш асосида узлуксиз ва узвий тизимни шакллантириш мақсадга мувофиқ. Салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳатларга тўхталсак.

Биринчидан, раҳбарлар ислоҳотлар самарадорлигини оширишга қаратилган маблағни аниқ, манзилли ва мақсадли йўналтиришни назоратга олиш орқали нотенг тақсимлаш, баъзи ҳолатларда ўзлаштириш, давлат ва жамиятга келтириладиган моддий-маънавий зарарнинг олдини олиши керак. Шунингдек, ўзи раҳбарлик қилаётган туман, шаҳар ёки вилоятни комплекс ривожлантириш бўйича ҳудуддаги ички имкониятлар ва ресурсларни топиб, улардан мамлакатдаги ислоҳотлар самарасини янада бойитиш ва изчил амалга ошириш йўлида мақсадли фойдаланмоғи лозим.

Иккинчидан, муайян ҳудуднинг объектив ҳолатидан келиб чиқиб, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш барча бўғиндаги раҳбарларнинг асосий вазифаси бўлиши зарур. Бунинг учун ҳар бир раҳбар фаолиятини виждонан бажариши, ўз устида тинимсиз ишлаши, Президентимиз таъбири билан айтадиган бўлсак, ўзини қийнаши керак. Яъни халқ тинч бўлиши учун раҳбар “нотинч” бўлиши керак. Ислоҳотларга жавобан шижоатини кўрсатиши керак. Шундагина давлат ва жамият барқарор тараққиётини таъминлашга ҳисса қўшган бўлади.

Учинчидан, халқнинг тинчлиги, бугуни ва эртасига ишончи ҳамда ҳаётидан рози бўлиши, аввало, ҳар бир бўғиндаги раҳбарларнинг муайян ҳудудлардаги ишлари натижадорлигига боғлиқ. Улар фаолиятининг самарадорлиги ҳар бир бўғин раҳбарининг доимий изланиши, муаммолар ечимини топиши ва оқибатларини кўра билишида намоён бўлиши керак.

Ана шундагина раҳбар фаолиятида масъулият шаклланади. Чунки у мартабага лавозими, хоҳиш-истаги, субъектив мақсади, мансаби ёки ваколати билан эмас, балки одамийлиги, инсонларга меҳри, ғамхўрлиги, халқпарвар ва ватанпарварлиги, фуқароларнинг оғирини енгил қилиш билан эришади.

2016 йилнинг кузидан бошлаб мамлакатимизда тадбиркорларга муносабат тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борадаги дастлабки катта қадам бўлди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 10 январь, 6-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Охирги йилларда Ўзбекистон тадбиркорлар юртига айланиб боряпти. Бу юртдошларимизнинг, қолаверса, хорижликларнинг эътирофи. Илгари ҳеч қачон бизнес эгаларига бунчалик катта ишонч, имконият берилмаган. 2016 йилдан кейин юртимизда қулай тадбиркорлик муҳити шаклланди. Одамлар бизнес юритишда ҳақиқий эркинликни ҳис қилиб, ўз фаолиятида кўриб, билиб, бу орқали ишига бўлган ишончи ортиб бормоқда.

— Шу йўналишдаги ислоҳотлар авж паллага кирган 2017-2022 йиллар давомида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда тизим вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида жами 3 мингдан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Актам Ҳаитов. — Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки давридаёқ ислоҳотларни айни шу оғриқли нуқтадан бошлагани бежиз эмас. Чунки илгари бир тадбиркор иш бошласа, унинг фаолиятига аралашиш, ҳуда-беҳуда текширувлар билан тўсиқ қўядиганлар кўп эди. Бундай текширувлар аксарият ҳолларда ўзининг салбий оқибатлари сабаб Ўзбекистонда одамлар тадбиркорлик қилишга ҳайиқиб қолгани, бўйинга солинадиган бу тушов туфайли кўп ишбилармонлар банкротликка учрагани ва бошқалар ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ. Йиллар давомида сақланиб келган бу тизимни ислоҳ қилиш ҳам осон бўлмади, аммо ташланган қадам қатъий эди.

Аввало, 2016 йилнинг кузидан бошлаб мамлакатимизда тадбиркорларга муносабат тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борадаги дастлабки катта қадам бўлди. Зеро, ушбу ҳужжат билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари, шунингдек, уларни жиноят ишлари доирасида муқобил текширишларнинг барча тури бекор қилинганини тарихий кун сифатида эслаш мумкин.

Шу тариқа қатъий қадамлар бир-бирига уланди. Соҳани ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат улушини босқичма-босқич камайтиришга қаратилган аниқ манзилли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бизнес юритишга доир рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилиб, муддати қисқартирилди. Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тубдан такомиллаштирилди. Давлат хизматлари кўрсатишнинг умумий муддати 787 кундан 471 кунгача қисқартирилиб, тадбиркорлик соҳасида 132 та лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинди. Давлат идоралари томонидан фуқаролар ва тадбиркорлардан жами 73 та ҳужжат ҳамда маълумотномаларни талаб қилиш амалиётидан ҳам воз кечилди.

Натижада ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ва брендига эга тадбиркорлар синфи шакллана бошлади. Барча тармоқларда тадбиркорлик муҳити яратилиб, кичик ва ўрта бизнес ҳаётимизга жадал кириб келди. Биргина 2023 йили юртимизда рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 600 мингдан ошгани, мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келаётгани фикримизнинг ёрқин далили. Ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшлар меҳнат қилаётгани хусусий бизнеснинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳам ошиб бораётганини яққол кўрсатади.

Жаҳон бозорига чиқиш энди орзу эмас

Ўзбекистон — ўз йўлига эга ва мана шу йўлда дадил ривожланаётган давлат. Давлатимиз бундан 7 йил олдин бизнес вакилларига чин маънода қўл узатди ва уларга катта ишонч билдирди, ҳар қадамида қўллаб-қувватлади. Натижада юртимизда тадбиркор давлатнинг ишончли ҳамкори, давлат эса ҳар бир бизнес вакилининг яқин дўстига айланди. Ҳа, айнан дўстига айланди.

— Ўтган йили янги заводимиз очилганида давлатимиз раҳбари келиб, корхонамиз фаолияти билан танишиш асносида менга “Дўстим, Улуғбек”, деб мурожаат қилганидаги ҳаяжонимни тасвирлаб беролмайман. Президент бир тадбиркорга дўстим, деб ўзига яқин олишининг ўзи ҳар қандай кишига қанот беради, — дейди “Orient ceramic” хусусий корхонаси таъсисчиси, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби Улуғбек Расулов. — Яна “Мен сен томондаман, нима шароит керак бўлса, қилиб берамиз”, дея алоҳида таъкидлади. Биласизми, бундай ишончдан кейин фақат ишлаш керак. Ишлаганда ҳам ҳалол меҳнат қилиш, фидойи бўлиш керак. Агар давлат қўллаб турса, тадбиркорга ҳам осон бўлади. Бунга ўз фаолиятим мисолида амин бўляпман. Болалигимдан тадбиркорликка қизиққанман ва 1995 йилдан буён шу соҳадаман. Ўшанда фирма очиб, чинни буюмлар ишлаб чиқаришни бошлаганмиз. Айтсам, нолишга кирмасин, аммо 2016 йилгача бошимдан кўп нарсалар ўтди. Фаолиятимда жуда катта қийинчилик, тўсиқлар кўрганим учун ҳозирги шароитларни жаннат, десам ҳам бўлади.

Улуғбек ака 2015 йилдан кейин кафель маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишига қизиқа бошлади. Ишга киришай, деб турганида, 2017 йилда тижорат банкларидан бири уни чақириб, пул, завод учун жой таклиф қилди. Таклифни бажонидил қабул қилган тадбиркор 2019 йилда Тошкент шаҳрида кафель ишлаб чиқариш заводи очди. Орадан кўп ўтмай, Тошкент вилояти Оҳангарон туманида ҳам шундай заводни ишга туширди. Охирги 3-4 йилда кафель заводлари сони 4 тага етди. Уларда 1100 дан ортиқ одам ишлайди. Йилига 50-60 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Тайёр маҳсулотлар Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Россияга экспорт қилиняпти.

— Қайси соҳада бўлмасин энг зўри бўлиш керак, — дейди Улуғбек Расулов. — Айниқса, тадбиркорликда энг муҳими ҳалоллик ва сифат. Сифат яхши бўлса, харидор кўп бўлади. Мақтаниш эмас, бизнинг кафелларимиз одам ўзи атай уриб синдирмаса, синмайди. Экспортга жўнатган маҳсулотларимизнинг бари манзилга бутун ҳолда етиб боради. Чунки ишлаб чиқариш жараёнида қанча хомашё талаб этилса, барини соламиз, тежаб қолмаймиз. Яқинда Австриянинг бир компанияси катта пул эвазига бизнесимни сотиб олиш таклифи билан чиқди. Катта пул ваъда қилди. Аммо кўз олдимга қўлимда ишлайдиган ишчилар келди, улар қаерга боради, деган ўй ўтди. Қолаверса, шу Ватан фарзандимиз, бизнесни ҳам ўзимиз қилсак, ўзимизнинг одамлар ишласа, барчамизга манфаатли бўлади.

Улуғбек ака сингари тадбиркорларнинг жаҳон бозорига чиқиб, миллий брендимизни танитишида ҳам давлат яқиндан кўмакчи бўляпти. Гап шундаки, бизнес соҳасига қадам қўйган аксарият инсоннинг асосий мақсадларидан бири хориж бозорларига чиқиш бўлади. Боиси, маҳсулотини маҳаллий бозордан ташқари чет элга сотиш бир неча баробар кўпроқ даромад келтиради. Бу мамлакат иқтисодиёти учун ҳам катта фойда. Шунинг учун юртимизда экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш орқали экспорт ҳажмини оширишга катта эътибор қаратиляпти.

— Жаҳон тажрибасидан маълумки, бизнес вакилларига қанча кўп имконият берилса, эркин фаолияти учун шароит яратилса, давлат иқтисодиёти шунча ривожланиб боради, — дейди Ўзбекистон Экспортчилар уюшмаси раиси Ёрқин Маликов. — Бу рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат ва охирги йилларда юртимизда ана шундай жараён кечмоқда. Яъни тадбиркорларни қўллаб-қувватлашнинг ўзимизга хос, миллий ва халқаро талаблар даражасидаги тизими яратилди, бунинг натижасида қулай бизнес муҳити шаклланди. Хусусан, экспорт йўналиши ҳақида гапирадиган бўлсам, ўтган йилнинг иккинчи чорагида унинг кўлами 2022 йилнинг мос даврига нисабатан 27 фоизга ўсгани кузатилди. Кескинлашиб бораётган геосиёсий вазиятларга қарамай, маҳаллий экспортёрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кўлами кенгаймоқда. Тўғри, хорижга маҳсулот экспорт қилиш мушкул иш. Аммо аввалги йиллар билан солиштирганда, ҳозир бу анча осонлашган. Асосийси, нафақат йирик, балки кичик корхоналар ҳам бунинг уддасидан чиқяпти. Ўзбекистонда рақобатбардош маҳсулотлар тури ошиб, шунга мос равишда мамлакатимизнинг экспорт географияси ҳам кенгайиб боряпти. Маҳсулотларимиз доимий бозорлардан ташқари, янги манзиллар, хусусан, Европа давлатларига чиқяпти. Ўтган йили Ўзбекистоннинг экспорт географияси 160 дан ортиқ давлатни ташкил этгани фикримиз исботи.

Тадбиркорларга экспорт йўналишида берилаётган имтиёзлар ҳақида сўз борганида, жуда катта қулайликларни санаб ўтиш мумкин. Жумладан, уларга йўл ҳақи, транспорт харажатларини субсидия асосида қоплаб бериш, маълум давлатга экспорт қилаётганда гувоҳнома, сертификат олишдаги харажатларнинг 70 фоизгача қисмини давлат томонидан тўлаш каби қатор имтиёзлар берилятпи. Бир мисол, бошқа мамлакатда савдо уйи очиш учун олинган бинонинг ҳам 50 фоизи давлат ҳисобидан тўланмоқда. Ҳатто савдо уйи учун олинадиган омборхонанинг ҳам 50 фоизини давлат тўлаб беради. Агар бу реал суммаларда таҳлил қилинса, бизнес вакили тежаб қолаётган харажатлар кўлами яққолроқ намоён бўлади.

Ишбилармонлар ташкилотининг ваколати кенгайди

Тадбиркорлик қулай муҳит бўлган жойдагина ривожланади. Янги Ўзбекистонда ана шу муҳитнинг шаклланиш босқичлари қандай фаоллик билан кечган бўлса, соҳани ривожлантириш ҳам шундай шиддат билан давом этяпти. Ўтган 2023 йил ҳам тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш, бизнес муҳитини яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатларга бой бўлди. Хусусан, янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизга илк бор қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, мулк дахлсизлиги, бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиш, суд мустақиллиги бўйича аниқ нормалар киритилди.

— 2023 йил мамлакатимиз бизнес вакиллари фаолиятида алоҳида эътироф этиладиган йил бўлди, десак муболаға эмас, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Даврон Ваҳобов. — Бу давр фаолияти бевосита тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган бизнинг ташкилотимиз учун ҳам ғоят қизғин кечди. Биргина тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижаларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йил анча самарали бўлгани кўзга ташланади. Хусусан, палатамиз аъзолари ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари учун судларга умумий қиймати 74 триллион сўмдан ортиқ 571 минг 595 та даъво аризаси киритилди. Тадбиркорлик субъектлари манфаатини ҳимоя қилган ҳолда, 398 ҳолатда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракати (ҳаракатсизлиги)га нисбатан аризалар киритилиб, шулардан 234 таси судлар томонидан қаноатлантирилди. Бундан ташқари, 6163 ҳолатда тадбиркорлик субъектларининг низолари мутахассисларимз аралашуви билан судгача муҳокама (медиация) жараёнида ҳал этилди. Палата нафақат тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлашда ҳам бевосита иштирок этади. Ўтган йили 365 та лойиҳа бўйича 789 таклиф билдирилгани бунинг тасдиғи. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш, қўшимча киритиш ва бекор қилиш бўйича таклифлар тақдим этилди ва қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, палата томонидан 220 та енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатини тасдиқловчи сертификатлар ҳам берилди.

Ташқи иқтисодий фаолиятда ҳам яхши самарага эришилди. Уларда бевосита юртимиз ишбилармонлари иштирок этгани, айниқса, манфаатли бўлди. Хусусан, хорижий давлатларда ўтказилган 35 та бизнес-форум ва B2B учрашувларда 1,5 минг нафардан ортиқ, юртимизда бўлиб ўтган 45 та шундай тадбирда минглаб тадбиркорларимиз қатнашиб, хорижлик ҳамкорлар билан аниқ келишувларга эришди. Палата томонидан хорижий ташкилотлар билан 16 та ўзаро англашув меморандуми ҳамда ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Яна бир қувонарли томони, Ўзбекистон — Сингапур Савдо палатаси, Гамбург шаҳрида Ўзбекистон — Германия Иқтисодий палатаси ташкил этилди. Грузия, Миср, Қатар давлатлари билан ишбилармонлар кенгаши тузилди.

Бугун тадбиркорлик энг катта ва айни пайтда миллий иқтисодиётимизнинг муҳим йўналишларидан бирига айлангани рост. Шу боис, ўтган йили 18 декабрь куни давлатимиз раҳбари раислигида ҳудудларда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва хизматларни ривожлантириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Савдо-саноат палатасига қўшимча ваколатлар берилди. Ҳудудларда ишлаб чиқариш, саноат зоналари ва экспортни амалга ошириш эндиликда Палата зиммасига юклатилди. Экспорт агентлиги ва жамғармаси, “Ўзбекэкспертиза” ташкилоти ҳам унинг тизимига ўтказилди.

— Мамлакатимиз ишбилармонлари эндиликда ҳар қандай фаолияти давомида, яъни ишлаб чиқаришдан тортиб, экспорт жараёнини амалга оширишида керак бўладиган барча зарурий ёрдам бир тизимда, айнан тадбиркорларнинг ўзи бошқарадиган ташкилотда кўрсатилади, — дейди Д. Ваҳобов. — Ушбу йўналишларнинг бари бевосита тадбиркорлик билан боғлиқ бўлгани ҳолда, уларни бир нуқтада бирлаштириш аниқ вазифалар доирасида ҳаракат қилиш ва натижадорликни оширишга имкон беради. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бу тадбиркорларни эшитиш, талаб ва истакларини амалга ошириш учун керак. Улар учун янги имтиёзлар ҳам берилятпи. Биргина тўқимачиликда жорий йил яна 700 миллион доллар қўшимча қиймат яратиш мақсадида янги лойиҳаларга 200 миллион доллар ресурс сифатида ажратилади. Маҳаллий маҳсулотларимизнинг кенг экспорт қилинишида бизнес вакилларига фаол кўмаклашишимиз учун эса Экспорт агентлигига қўшимча 50 миллион доллар ажратилди.

Ҳар бири қаҳрамон, фидойи

Умуман, ўтган йили тадбиркорлар учун кўплаб қўшимча имтиёзлар берилди. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 18 август куни бўлиб ўтган тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти эса соҳани ривожлантиришга оид бир қатор эзгу ташаббусларни юзага чиқарди. 2021 йилдан бошлаб анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур очиқ мулоқот соҳа вакиллари учун йилнинг энг ёрқин воқеаси бўлди, десак янглишмаймиз. Шу куни Президентимиз бизнес вакилларига қарата “Ҳар бир мамлакатда тадбиркорлар катта куч-қудрат бўлиб келган. Ўзбекистонимизда ҳам иқтисодиётни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, маҳаллаларни обод этишга ҳаракат қиляпмиз. Бунга энг катта ҳисса қўшаётган ким? Тадбиркорлар! Сизлар ҳар бирингиз қаҳрамонсиз, фидойисиз. Биз сизлар билан фахрланамиз”, дея таъкидлади.

Очиқ мулоқотда давлатимиз раҳбари соҳани янада ривожлантириш, тадбиркорларга қулай ишбилармонлик муҳити яратиш юзасидан бешта муҳим йўналишни белгилаб берди. Яъни “Кичик бизнес учун янги имкониятлар”, “Ўрта бизнес — барқарор иқтисодий ўсиш гарови”, “Янги бозорларга сифатли ва рақобатбардош маҳсулот билан кириш”, “Юқори даромадли корхоналарни кўпайтириш ҳамда содда солиқ маъмурчилиги ва бюрократиясиз қулай муҳит” йўналишлари бўйича ташаббуслар илгари сурилди. Ҳар бири бўйича алоҳида имтиёз берилиб, улар сентябрь ойида қабул қилинган Президент қарори билан мустаҳкамланди.

— 2023 йилда бизнес эгалари, айниқса, ёш тадбиркорларга янада кўпроқ имтиёзлар берилди. Бунинг ортидан соҳага кўплаб йигит-қизлар кириб келганига гувоҳ бўлдим. Ўзимиз ҳам ишимизни кенгайтириб, янги бизнес ҳамкорларни жалб қилдик, ноанъанавий бозорлар очдик, — дейди тадбиркор, “Келажак бунёдкори” медали соҳиби Сардор Турсунов. — Давлат бизга ишониб бераётган имконият, имтиёзлардан максимал фойдаланишимиз керак, деб ўйлайман. Ҳозир фойдаланмасак, эртага кеч бўлиши мумкин. Чунки замон шиддаткор, бозорда эса рақобат кучли. Биргина мисол, биз базальт маҳсулоти ишлаб чиқаришни бошлаганимиздан кейин яна 5 та тадбиркор шундай маҳсулот чиқара бошлади. Чунки имкониятлар кенг, ҳамма ҳам улардан фойдалангиси келади.

“Чипта”, “Чўпон”, “Наврўз”... маҳсулотлар номи шундай

Қибрайлик тадбиркор Алексей Маншаев ҳам доим янгилик қилишга интилади. Унинг “Kanishka fur” МЧЖ корхонасида ишлаб чиқариладиган чарм маҳсулотларининг рақобатчиси кам бўлса-да, тадбиркор тинимсиз янги дизайнлар устида ишлаб, миллий брендимиз остидаги чарм маҳсулотлари турини 300 дан оширишга улгурган. Унинг корхонасида “Чипта”, “Чўпон”, “Миршаб”, “Наврўз” номли сумкалар бор. Миллати ўзбек бўлмаган бу йигит тилимизни чуқур ҳурмат қилади, барча билан ўзбек тилида гаплашади. Дизайнини ўзи чизадиган маҳсулотларга ҳам ўзи ўзбекча ном беради. Миллий бренди орқали ўзбек тилини жаҳонга танитиш ниятида.

— Олий таълимда ўқиб юриб, илк иш бошлаган вақтларим ўзбек тилини умуман билмасдим, — дейди Алексей. — Ўшанда 5 киши билан иш бошлаганмиз. Орадан 20 йил ўтди ва ҳозир корхонамизда 150 га яқин киши ишлайди. Табиий чармни тикиш жуда қийин, унга ҳамма ҳам чидай олмайди. Шунинг учун бўлса керак, бизнинг йўналишда мутахассислар оз, рақобат кам. Аммо соҳада кўплаб солиқ имтиёзлари мавжуд. Ҳар йили ишчилар, техникалар, ишлаб чиқариш қувватларини 10 фоизга оширардик, ҳозир эса икки баробар кўпайтиряпмиз. Олдин текширувлардан қўрқардик, катта иш бошлолмасдик, ҳозир эса, аксинча. Хуллас, имкониятлар кўп, шундай экан, тадбиркор нолимаслиги, муаммони бошқаларга ағдармаслиги, фақат ҳаракат қилиши керак.

Алексей Маншаев ўтган йили кўплаб тадбиркорлар қатори давлатимизнинг юксак мукофоти — “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Президент билан учрашувда тадбиркор “Корхонамиз янги, чиройли, одамлар ишга хурсанд бўлиб келади, сиз бизни бахтли қиласиз, биз уларни ҳурмат қилиб, бахтли қиламиз”, дея ташаккур билдирди. Аслида, Алексей доим шунга амал қилади: тадбиркор ўз ишини яхши кўрадиган, ишчиларини қадрлайдиган бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Янги 2024 йил ўз номига мос ҳолда Алексей каби фидойи, ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлар учун яхши янгиликлар билан бошланди. Хусусан, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсман томонидан жорий этилган Тадбиркорларнинг очиқ рейтингига кўра, 2024 йил 1 январдан бошлаб рейтингги юқори корхоналар барча турдаги солиқ текширувларидан озод қилинади. Уларга қўшимча қиймат солиғининг ортиқча қисми бир кунда қайтариб берилади, қўшимча қиймат солиғи тўловчиси гувоҳномасини вақтинчалик тўхтатиб туриш амалиёти бекор бўлади. Шунингдек, ушбу санадан бошлаб бир-бирини такрорловчи ҳисоботлар тугатилади, барча ҳисоботлар ягона электрон тизим орқали тақдим этилади, ҳисоботларнинг қоғоз шакли бекор қилинади.

Хуллас, бошланган янги йилнинг ишбилармон доира вакиллари учун тақдим этадиган яхши янгиликлари бисёр. Демак, 2024 йилда нафақат бизнес вакиллари, балки тадбиркорликнинг бошини тутган ҳар бир юртдошимизни янада кўпроқ қўллаб-қувватлаш мақсад қилинган.

Рашид Галиев олган суратлар.

ПАРВОЗ БОШЛАНДИ

Бир қанотда ёшлар, бошқасида тадбиркорлар

> **Ўзбекистонда рақобатбардош маҳсулотлар тури ошиб, шунга мос равишда мамлакатимизнинг экспорт географияси ҳам кенгайиб боряпти. Маҳсулотларимиз доимий бозорлардан ташқари, янги манзиллар, хусусан, Европа давлатларига чиқяпти. Ўтган йили Ўзбекистоннинг экспорт географияси 160 дан ортиқ давлатни ташкил этгани фикримиз исботи.**

Истеъмол қилинадиган вакцина қўлланилганда иммуноглобулин А (IgA) миқдори ошиб борди. Маълум вақт ўтгандан кейин иммуноглобулин G (IgG) ошганини кўрдик. Бу вирусга қарши антитаначалар ҳосил бўлганини билдиради. Шундай сўнг 2021 йилнинг охирларида барча натижаларни ЖССТга тақдим қилдик. 2022 йил аввалида “помидор вакцина”миз ЖССТдан рўйхатдан ўтди.

Илм-фан тараққиёти

> ДАСТАВВАЛ 72 СИЧҚОНДА ТАЖРИБА ЎТКАЗИЛДИ. ПОМИДОРНИНГ ШАРБАТИ ШПРИЦ ЁРДАМИДА СИЧҚОН ТАНАСИГА КИРИТИЛДИ. ТАЖРИБАДАГИ СИЧҚОНЛАРНИ УЧ ГУРУҲГА АЖРАТДИК. БИРИНЧИ НАЗОРАТ ГУРУҲИ ЎЗИНИНГ КУНДАЛИК РАЦИОНИ БИЛАН БОҚИЛДИ. ИККИНЧИ ГУРУҲГА ОДДИЙ ПОМИДОР, УЧИНЧИ ГУРУҲГА ЭСА TOMAVAC БЕРДИК.

ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ЯНГИ ВАКЦИНА ЯРАТДИ

Бошланиши 1-бетда

Хўш, мазкур вакцина яратиш жараёни қандай кечди? Тадқиқот учун помидор танланишининг сабаби нимада? Мазкур саволлар билан **Геномика ва биоинформатика маркази директори, профессор Забардаст Бўриев**га мурожаат қилдик.

— Биз SARS-COV-2 S1 антиген оқсилини барқарор синтезловчи (Tomavac) помидор генотипини олишга эришдик,— дейди профессор Забардаст Бўриев. — Коронавируснинг оғир ўткир респиратор синдромига қарши икки босқичли ҳимоя билан таъминловчи ўсимлик асосида яратилган (ва унинг меваси ёки бошқа қисмлари эмлама сифатида истеъмол қилинувчи) вакциналар ҳозирда қўлланиладиган ва аксарият ҳолларда тизимли иммун реакциясини келтириб чиқарувчи парентерал турдаги вакциналарга нисбатан афзалликларга эга. 2020 йил баҳорида мамлакатимизда коронавирус хавфи эълон қилинди. Ўшанда биз бу хавфни вақтинчалик, бир-икки ой ичида ўтиб кетади, деб ўйлагандик. Лекин вақт ўтиши билан касаллик кенг тарқала бошлади. Ўша йили ёзда мамлакатимизда коронавирусга чалинганлар сони ортди. Бу ўз-ўзидан хавфли вирусга қарши вакцина ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирди. Илмий изланишлар бошлаб юборилди.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси мутахассислари билан ҳамкорликда вирус РНКларини олиб, уни геном ахборотини ўрганишга ҳаракат қилдик. Ҳукумат топшириғига кўра, ўсимлик асосида вакцина яратишга киришдик. Бунинг учун термик ишлов берилиши шарт бўлмаган помидор танланди.

— Тадқиқот учун нега айнан помидор танланди?

— Маҳсулотлар юқори ҳароратда пиширилганда антитаначалар ҳосил қилувчи оқсил парчаланиб кетади. Помидорга термик ишлов бермасдан истеъмол қилиш мумкин. Ген муҳандислиги ёрдамида коронавируснинг бизга керакли оқсилини ҳосил қилувчи кичкина генини ўсимлик ҳужайрасига киритдик. Tomavac истеъмол қилингач, инсон организмида коронавирусга қарши антитаначалар ишлаб чиқарилиши бошланади.

Даставвал 72 сичқонда тажриба ўтказилди. Помидорнинг шарбати шприц ёрдамида сичқон танасига киритилди. Тажрибадаги сичқонларни уч гуруҳга ажратдик. Биринчи назорат гуруҳи ўзининг кундалик рациони билан боқилди. Иккинчи гуруҳга оддий помидор, учинчи гуруҳга эса Tomavac бердик.

Икки ҳафтадан кейин уларнинг қонини таҳлил қилганимизда танасига Tomavac киритилган сичқонларда антитаначалар ҳосил бўлгани маълум бўлди. Бу самарали натижа эди. Тадқиқотни бир йил давомида уч марта ўтказдик ва ижобий натижага эришдик.

Турли мамлакатларда коронавирусга қарши инъекцион вакциналар ишлаб чиқарилди. Бу, албатта, катта лабораториялар ва катта маблағни талаб этади. Помидор вакцинасини эса оддий лабораторияларда бемалол етиштириш мумкин. Бу камхарж, аммо самарали вакциналар тоифасига киради.

Tomavac (помидор вакцинаси) сичқонларда касалликка қарши иммунитетни сезиларли оширди. Суррогат вирусини зарарсизлантириш синовида Tomavac томонидан қўзғатилган нейтралловчи антитаначалар (Nab) вирусни 15-25 фоиз зарарсизлантириш фаоллигини намоён этди. Натижалар коронавирус инфекциясига қарши Tomavacнинг иммуногенлиги ва ҳимоя хусусияти бўйича дастлабки далилларни тақдим этди.

Бундан ташқари, биз дастлабки кунга нисбатан синовда қатнашувчи кўнгиллиларнинг қон зардобидаги Nab миқдорининг ҳафталик, статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган 1,2 баробар ўсишининг ижобий тенденциясини кузатдик. Синовларда жиддий ножўя таъсирлар кузатилмади, бу эса, ўз навбатида, Tomavacнинг хавфсиз эканини олдиндан тасдиқлайди. Келажакдаги кенг миқёсли тадқиқотлар якунлангач, Tomavac SARS-CoV-2 га қарши икки босқичли ҳимояни таъминловчи, иқтисодий самарадор, экологик хавфсиз ва кенг татбиқ этилиши мумкин бўлган янги авлод COVID-19 вакцинаси бўлиши кутиляпти.

Истеъмол қилинадиган вакцина қўлланилганда иммуноглобулин А (IgA) миқдори ошиб борди. Маълум вақт ўтгандан кейин иммуноглобулин G (IgG) ошганини кўрдик. Бу вирусга қарши антитаначалар ҳосил бўлганини билдиради. Шундай сўнг 2021 йилнинг охирларида барча натижаларни ЖССТга тақдим қилдик. 2022 йил аввалида “помидор вакцина”миз ЖССТдан рўйхатдан ўтди.

— Бу вакцина одамларда ҳам синовдан ўтказилдими?

— Ҳа, албатта. Синовда қатнашиш истагини билдирган кўнгиллиларни танлаб олдик. Аввалига уларда вирусга қарши антитаначалар миқдорини ўлчаб олдик. Шундан сўнг 20 кишида тадқиқот ўтказилди. Уларнинг ўн нафарига оддий помидор, 10 нафарига Tomavac бердик. Уч кун наҳорга 50 граммдан — жами 150 грамм помидор истеъмол қилган кўнгилли тестдан ўтказилганда вакцина помидор истеъмол қилган иштирокчида иммуноглобулин G (IgG) кўтарила бошлаганига гувоҳ бўлдик. Икки ҳафтадан сўнг ўтказилган тест антиначалар яна кўтарилганини кўрсатди.

Айни пайтда вакцинани капсула шаклида ишлаб чиқиш борасида ҳам иш олиб боряпмиз. Бунинг учун биз помидорни совуқ ҳароратда қуритиб, майдалаймиз, сўнг капсулага жойлаштирамиз. Тайёр маҳсулот эрта наҳорда битта капсуладан ичишга тавсия этилади. Уч кун истеъмол қилган одам коронавирусга қарши эмланган бўлади. Айтиш керакки, эмлаш ҳам икки босқичда амалга оширилади. Маълум вақт ўтганидан кейин яна уч кун капсула буюрилади.

Помидор вакцина яратиш устида иш бошлаган пайтимизда хорижнинг нуфузли нашрлари тадқиқотга қизиқиш билдирган эди. Россия, Туркия, Франция, Мисрдан келган журналистлар томонидан ОАВда батафсил ёритилди. Кўплаб қизиқарли мунозаралар олиб борилди. Баъзи изоҳларда помидор қизил рангли бўлгани учун аллергияси бор инсонлар қабул қила олмаслиги, бу ноқулайлик туғдириши ҳақида ёзилди.

Биз учун ҳар бир фикр муҳим эди. Бу вакцинани бошқа ўсимликда ҳам синаб кўриш ҳақида ўйладик. Салат барги ҳар жиҳатдан қулай. Ҳозир бу вакцинани салат баргида яратиш борасида ҳам иш олиб боряпмиз.

— Ўтган йили ЖССТ томонидан коронавирус чекингани ҳақида маълумот берилганди. Энди бу вакцинага зарурат бўладими?

— Пандемия тугатилгани билан вирус сақланиб қолмоқда. Давлатлар худди бошқа юқумли касалликлар сингари у билан мунтазам ва тизимли курашиб боряпти. Ўз навбатида, дунё олимлари инфекция ва унинг янги мутацияларига қарши самарали дори воситаларини яратиш устида изланишларни тўхтатгани йўқ.

Шунингдек, олимларимиз бошқа касалликларга қарши ҳам вакцина ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Масалан, туберкулёз, сальмонеллёз, дифтерия, қизамиқ касаллигига қарши самарали эмланмалар ишлаб чиқиш кун тартибидан ўрин олган. Бу платформа айни шу мақсадга ҳам хизмат қилади. Қолаверса, коронавируснинг янги штаммлари ҳам юзага келиш эҳтимоли йўқ эмас.

Биз Tomavacни дори воситаси эмас, биологик фаол қўшимча сифатида ишлаб чиқаришни кўзда тутяпмиз.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

Хориждаги ватандош

Дилсора МИРЗААҲМЕДОВА: “ОНА ТИЛИМИЗ ВА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗНИ ДУНЁГА КЎЗ-КЎЗ ҚИЛИШДАН ҒУРУРЛАНАМАН”

Чет элда яшаб, ишлаб, яхши лойиҳалар, муҳим шартномалар, қўйингки, она Ватани, юртдошлари манфаатига хизмат қилиши мумкин неки янгилик бор — илинадиган ватандошларимиз кўп. Улар хорижда Ватан билан бирга яшамоқда. Бир неча йилдан буён Хитойда ўзбек тили ва маданияти нуфузини дунёга ёяётган ёш олима Дилсора Мирзаахмедова ана шундай ватандошларимиз сафида.

Дилсора 1987 йили Наманган вилоятининг Поп туманида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида таҳсил олган. Айни пайтда Хитой Марказий миллатлар университети доценти. У талабаларга тилшунослик фанлари ва Хитой маданиятидан таълим беради. Бир неча дарсликлар, илмий қўлланма ва монографиялар муаллифи.

Халқлар ўртасидаги узилмас ришталар, аввало, тил ва маданият орқали боғланади. Хитой Ўзбекистон учун энг йирик экспорт бозори. Инвестициялар, замонавий технологиялар, маданий-гуманитар алоқаларнинг янги босқичи янги авлод кадрларига ҳам эҳтиёж туғдириши табиий. Ўзбекчани ҳам, хитойчани ҳам қойиллатадиган бизнес ислоҳотчилар, малакали менежерлар бизга ҳозир жуда-жуда керак. Бу борада эса айнан Дилсора каби тилшунос ва таржимонлар хизмати муҳим.

Болаликдаги эътирофлар бугунги касбимга рағбат бўлган

Маълумки, боланинг келажагида оилавий муҳит катта аҳамиятга эга. Шу маънода, биз улғайган муҳит, оила, мактаб — барча-барчаси бизнинг шахс сифатида шаклланишимизга, ўз устимизда ишлашга руҳ берган, десам адашмайман. Тоғ бағридаги унча катта бўлмаган Чоркесар шаҳарчаси аҳолиси турли миллат вакилларидан иборат эди. Ҳар хил тил ва маданият таъсирида мулоқотга тез киришувчан бўлиб улғайдик. Боғчада таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳда тарбияландим. Мен тенги қўни-қўшни болалар, қариндошлар ҳали-ҳануз тарбиячи опамизнинг таржимони бўлганимни қулиб эслайди. Эҳтимол, боғчадаги иштиёқим туфайли бугун педагог ва таржимон бўлиб етишгандирман, ким билсин?!

Ота-онам ўқимишли, айниқса, дадам бизнинг тарбиямиз билан бирга, таълим олишимизга жиддий эътибор қаратган. Эсимни танибманки, дадам ҳамиша бирор китоб мутолааси билан банд бўлар, иқтибослар келтирар, ора-сира улардаги таъсирли воқеларни ҳикоя қилиб берарди. Биз китобга меҳр қўйиб ўсдик. Мени бугунгача қувонтирадиган воқеа, ёдлаб, илк “маош” келтирган шеърим Алишер Навоийнинг “Ғурбатда ғариб...” деб бошланувчи рубоийси бўлган. Уйимизга меҳмонлар келса, мен, албатта, бу рубоийни ўқиб берар, эвазига улар мени рағбатлантирарди.

Мактабда яхши ўқидим. Университет таҳсилини халқаро журналистика факультетида олдим. Ҳаётимдаги энг катта ютуқларимдан бири мана шундай улуғ даргоҳда Бойбўта Дўстқораев, Сайди Умиров, Маҳмуд Саъдий, Акбар Нурматов, Ҳалим Саййид, Назира Тошпўлатова каби етук устозлар қўлида таҳсил кўрганим бўлди. Бундан ташқари, хитой тили устозим Тю Тхи Ким Зунг хорижий тилнинг жозибасини кўрсата олди.

2-курсни халқаро талабалар алмашинуви дастури доирасида Хитойнинг Чанчун шаҳрида ўқидим. Ўзбекистонга қайтгач, университетда ўқиш билан бирга, Тошкентдаги Конфуций Ўзбекистон — Хитой институтида хитой тилидан ўқувчиларга дарс бера бошладим. Бу институт курслари қўшимча таълим тури ҳисобланади. Қаҳрамон Имомназаров, Севара Ҳакимова, Ванг Фан, Ши Кун каби ўқитувчилар менга қандай дарс ўтишни, педагогика сирларини ўргатган. Ўз устимда ишлашни, етук мутахассис бўлиш учун янада кўпроқ ўқиш кераклигини ҳам айни шу таълим масканида ўрганганман. Энг асосийси, таълимни давом эттиришим, магистратура ва докторантура инсон учун жуда муҳимлигини англаб, илм йўлидан кетаман, деб қатъий мақсад қилганман.

Бундан 10-15 йил илгари ўқиш бирмунча қийин, таҳсил жараёни узоқроқ эди. Масалан, биз ўзимизга керакли бир китобни топиш учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасига борардик. У пайтлар китоб дўконлари бугунгидек кўп эмас, китоб ва манбалар топишга қийналардик. Боз устига, мавжуд кутубхона ва дўконларда хитой тилига оид китоблар деярли йўқ эди. Электрон луғатлар ҳақида-ку гапирмай қўя қолай, биз интернет тармоқларида сўзларни “калит” ёрдамида қидириб топиб, иероглифлар маъносини билиб олардик.

Ҳозир аксинча, юртимизда китобхонликка эътибор кучайган, кутубхона ва китоб дўконлари сони ортган. Исталган китобни топиб ўқиш, бундан ташқари, интернет сайтлари орқали исталган китобнинг электрон формати юклаб олиш ёки буюртма қилиш мумкин. Ҳатто телефонлар учун мобиль электрон луғатларнинг бир неча юзлаб тури мавжуд.

Бугунги ёшларда ахборот олиш манбаси чексиз. Қувонарлиси, илмга чанқоқ ёшлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Улар ўқишни, билим олишни истайди. Бу кўп қатори мени ҳам жуда қувонтиради.

Хитойлик талабам “Алпомиш” достони бўйича илмий тадқиқот олиб боряпти

PhD илмий даражасини олиш учун илмий ишимни хитой тилида ёқлаганман. Шундан сўнг Хитой олий таълим муассасаларидан кўплаб таклифлар тушган. Мен эса Хитой марказий миллатлар университети билан шартнома туздим. ОТМ Пекин шаҳрида жойлашган бўлиб, бу ерда Хитойдаги 56 миллат вакиллари таълим олади. Нафақат ханзулар, балки уйғурлар, қозоқлар, мўғуллар, тибетликлар... Гуруҳимдаги талабалар ҳам турли миллат вакиллари. Бундай аудитория билан ишлаш менга ҳамиша завқли бўлган.

Хитойликлар бугун ўзбек тилини, Ўзбекистон маданиятини ўрганяпти. Айни пайтда Ўзбекистон маданияти ҳақида китоб ёзяпмиз. Бундан ташқари, аудио китоблар яратяпмиз. Бу китобларнинг ўзбек тилидаги вариантини ўқиб берганман. Талабаларим тил ўрганаркан, овозимдан таниб қолиб, бу қўлланма уларга ёрдам бераётганини айтса, хурсанд бўламан.

2017 йил ўқишга кирган талабаларга ўзбек адабиётидан дарс бердим. Ўша пайт Жанг Жингжинг деган талабам фанга қизиққан ва мавзуларни яхши ўрганган эди. Магистратурани битириб, бугун илмий фаолият билан машғул. Бакалавр босқичида “Алпомиш” достони ўтилади. Талабам достонга қизиққан, келажакда бу бўйича илмий тадқиқот қилишни мақсад қилган. Бугун Пекин университетида давлат гранти асосида “Алпомиш” бўйича илмий тадқиқот ўтказяпти. Бу мени жуда ғурурлантиради. Яна бир ютуғим, мен нафақат ўзбек тилшунослигидан, балки бошқа тилшунослик фанларидан ҳам талабаларга дарс бераман. Бундан ташқари, маҳаллий талабаларга Хитой маданиятидан ўқиш деган фандан ҳам дарс бера оляпман. Бошқа миллат вакили бўла туриб, хитой маданиятидан ўша миллат вакилларига дарс бериш осон эмас. Шунга қарамай, менга шу вазифани ҳам ишониб топширишган.

Дарс жараёнининг асосий қаҳрамони — ўқитувчи

Ўқитувчи сифатга ҳам, натижага ҳам масъулдир. Бир ўқитувчи сифатида мамлакатимиздаги ислоҳот ва янгиликларни кўриб хурсанд бўламан. Миллий таълим тизимига хорижий тажрибалар сингдирилянти. Чет элдан ўқитувчилар олиб келиниб, ёш авлоднинг тўлақонли таълим олишига шароит ва имконият яратилянти. Бугун ўзбекистонлик ўқитувчилар дунёнинг етакчи давлатларида малака ошириш имкониятига эга. Масалан, ўзбекистонлик педагогларнинг Буюк Британия мактабларига саёҳати, хусусан, орттирган тажрибаси, албатта, миллий таълим тизимимизнинг тараққиётига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўқитувчилар илгаригидек қўшимча ишларга, мажбурий меҳнатга жалб этилмаётгани кишини қувонтиради. Дарс жараёнининг асосий қаҳрамони — ўқитувчи. Унга алоҳида эътибор бериш керак. Таъкидлашни истардимки, халқимизнинг таълим жараёнига ёндашувини ўрганиш зарур. Ота-оналар, аввало, фарзанди ўқимишли бўлишини исташи, бунга йўл бериши керак. Давлатимиз бераётган имтиёзларни, имкониятларни тушуниши, қадрлаши мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Давлатимиз ҳамиша бизга эътиборли

Мени бир жиҳат қувонтиради, руҳлантиради. Президентимиз қайси давлатга ташриф буюрмасин, у ерда яшаётган ўзбекистонликлар ҳаёти билан қизиқади. Уларнинг нималар билан бандлиги, эришаётган ютуқлари, муаммоларига қулоқ тутади. Мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун таклифлар сўралади. “Ватандошлар” жамоат фондининг ташкил этилиши, айниқса, Конституциямизнинг янги таҳририда хорижда яшаётган ватандошларга давлат ғамхўрлик қилиши белгиланган юртдошларимиз қалбини ғурурга тўлдиради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари мустаҳкамланиб, ҳар томонлама кенгайиб бормоқда. Айниқса, таълим ва илмий соҳадаги ҳамкорликлар мени илмий тадқиқотчи ва педагог сифатида ғоят қувонтиради. Жуда кўплаб ўзбекистонлик талабалар Хитойга ўқиш учун келади. Менинг олти нафар талабам бугун Ўзбекистон ОТМларида таҳсилни давом эттирмоқда. Булар катта қадам, деб ўйлайман. Демак, бу ҳамкорлик келажакда ўз самарасини беради ва илм-фан соҳасидаги алоқалар мамлакатлар ривожига ҳисса бўлиб қўшилади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Башорат ЮНУСОВА ёзиб олди.

Қон босими кўтарилган беморга ҳам, аввало, бир пиёла сув тутилади. Ҳалокат ёки фожиадан даҳшатга тушган одамга сув ичириб, юзига муздек сув сепилади, юраги безовта бўлиб, жони ҳалқумига келган пайтда ҳам сув жонига малҳам бўлади. Шундай пайтда ўша бир пиёла сув топилмай қолса-чи, тополмай қолсак-чи?

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ҲАР НЕЪМАТНИНГ ўлчови бор

Юртнинг бир ижодкор қизи сифатида йил бошида гулдан гапирсам, нурдан ёзсам бўларди. Йўқ, мен СУВ ҳақида сўзлагим келди. Мендан аввал ҳам кўп алломалар, олим ва мутахассислар, устоз адиблар бу мавзуда жон куйдириб гапирган, ёзган. Элнинг тили учига келиб турган зарур гапни қанча кўп одам айтиб, ёзса, фойдага ишлайди. Шунинг учун кўнглимдагиларни қоғозга туширишни истадим. Давлатимиз раҳбарининг 4 январь куни сувдан самарали фойдаланиш борасида ўтказган йиғилишида муҳокама қилинган масалалар ҳам шунга ундади.

Мунаввара УСМОНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Эл орасида сув билан боғлиқ ажойиб ҳикматлар, ҳеч бир миллатда учрамайдиган қадим қадриятлар бор. Ёши бир жойга бориб қолган кексалар ортга боққанда “Умр оқар сувдек ўтди, кетди”, дея ёзғириб қўйишади. Омади, мансаби қўлдан кетиб, ғамбода ўтирган инсонни: “Оққан ариқ оқмай қолмас”, дея яхши кунлар келишига умидлантирадилар. Эл таниган бирор машҳур инсонга яқинлигини билдириш мақсадида “Бир ариқдан сув ичганмиз”, дея ғурурланиш одатимиз бор. Хуллас, сув — ҳаёт манбаи экани ҳақидаги ибратли гапларни халқимиз орасида яшаб келаётган қадриятлар қаторида санасак ҳам ноўрин бўлмайди. Чунки аждодларимиз фақат айтиб қолмай, бу сўзларига амал ҳам қилган. Бир уй меҳмон қўлини ювиши учун бир човгум илиқ сув етарли бўлган. Қўл ювса, қовжираб турган гул кўчати устига ювган...

Бола эдим, онамга эргашиб далага борардим. Онам беланчаги нобоп бўлиб қолганидан, ухлаб қолган гўдаги учун ерга жой ҳозирламоқчи бўлиб турган аёлнинг қўлидан боласини олиб, укамнинг беланчагига ётқизди. “Укам қаерда ётади?” дея хавотирга тушдим. “Беланчак кенг, иккаласиям бемалол сиғади. Дала жойда болани ерга ётқизиб бўлмайди-да”, деди онам очиқ чеҳра билан. Тушга яқин боғча хола: “Қизим, сув ташийдиган бола бугун ишга келмабди, чойнакка сув қуйиб берсам, онанг ишлаётган пайкалга олиб борасанми?”, деди елкамга қоқиб. Бири юпанса, бири йиғлаётган болаларни овутишдан тўйиб турганим учун жон деб рози бўлдим. Кун иссиғида чопиқ қилиб чанқаб, ҳоли қуриб қолган аёллар мени кўриб, суюниб бир жойга жам бўлди. Пиёлага сув қуйиб, аввалига онамга узатдим. Бир пиёла сув қўлдан-қўлга ўтиб, охирида ўтирган, сочларига оқ оралаган аёлгача етиб борди. Шукрона келтириб, ташналигини қондирган аёл, пиёла тагида қолган бир ҳўплам сувни ғўза кўчати тагига қуйди. Бошқа аёлларда ҳам шу ҳол такрорланди. Тупроқ кечиб, қийналиб кўтариб келган сувни ҳайф қилиб ғўза тагига қуйишлари ғашимни келтирди, шекилли, онамга: “Бу хотинлар сувни нега охиригача ичмай, ғўза тагига қуйишди?”, дедим.

— Қизим, ғўзаниям жони бор. Ерга чигит қадалганидан буён уни боладек авайлаб бегона ўтдан, ёмғиру дўлдан сақлаб парвариш қиламиз. Мен ўзим ичган сувдан уларга илиндим. Улар чанқаб, тебраниб турган ғўзаболаларга илинди, — деди жилмайиб.

Сув ҳақида ўйласам, ўша манзара ботбот кўз ўнгимда жонланади. Чунки бугун сув масаласи хонадонларимиздаги оддий гап-сўзлардан давлат сиёсати даражасигача кўтарилди.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида экология масаласига ҳам тўхталди.

“Бугун бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим масала — экологик муаммолар ва сув танқислигидир. Тарозининг бир палласида ўсиб бораётган қурилишлар, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги турган бўлса, иккинчи палласида ҳар биримиз учун энг зарур бўлган сувни тежаш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи турибди.

Бизнинг вазифамиз — ҳар икки йўналишда ҳам мувозанатни сақлашдан иборат. Ҳеч қачон унутмаслигимиз лозимки, табиий ресурслар — бу келажак авлодларимизга ҳам тегишли бўлган бойликдир. Шу боис, улардан нафақат бугунги, балки эртанги кунимизни ҳам ўйлаб, оқилона фойдаланишимиз зарур. Бу борада сувни, энергия ва бошқа табиий ресурсларни тежайдиган иқтисодиётга тезроқ ўтиш муҳим аҳамиятга эга...”, дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, сувнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Мутахассислар маълумотига кўра, сув сайёрамиз ҳудудининг 70 фоизини қоплайди. Аммо унинг атиги 2-3 фоизигина чучук сувдан иборат, яъни ичиш учун яроқли. Юрак соғлом бўлиши учун етарли миқдорда сув билан таъминланиб туриши керак. Кузатишларга кўра, кунига ўртача бир литр сув ичган одамнинг юраги сувни кам истеъмол қилган одамникига қараганда соғлом бўларкан.

Сув тана учун кислороддан кейинги энг зарур модда ҳисобланади. Шукр, зилол сувлар оқиб турган, ҳар меваси сувга қониб, қуёш тафтидан ёниб, шира бойлайдиган неъматлар билан сийланган юртда яшаймиз.

Дунёда бир миллиарддан ортиқ киши тоза сув ичиш имкониятига эга эмас. Тоза сув ичиш катта муаммога айланган минтақалар ҳам бор.

Ҳар бир қитъанинг ифлосланишлар сабаб умуман фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолган ўз “ўлик” дарёлари бор. Аслида, дарёлар ўз-ўзидан “ўликлар” сафига кириб қолмайди. Ер юзига ҳаёт бахш этаётган дарёларни ўлдираётган ҳам ўзимиз. Чиқиндилар билан тўлдираётганлар ҳам тирикликнинг энг олий мавжудоти ҳисобланадиган одамлар. Кузатиб юраман, баъзан изтиробга тушаман. Саратон иссиғида сув бўйларига роҳат излаб борганлар ўзларидан шундай из қолдирадики, бу хатолар дарё суви ювса кетмайди, ҳой инсонлар, деб жар солгинг келади.

Андижоннинг Марҳамат туманидаги Марҳамат қишлоғида туғилганман. Ота ҳовлимизда катта ҳовуз бўларди. Ҳовуз четида бир туп улкан садақайрағоч гуркираб, атрофига соя, салқинлик берарди. Энам раҳматли супада ўтириб тикиш-бичиш қилгани учун ҳовлимиздан одам узилмасди. Катта маҳаллада атиги икки-уч хонадонда ҳовуз бўлгани боис, ҳамма челак кўтариб бизникига келарди. Маталларда айтилганидек, ҳовузнинг қопқоғи йўқ эди, аммо суви жуда тоза сақланарди. Сувга чиққан қушни аёлга энамнинг айтганлари ҳамон ёдим қатларидан акс садо беради: “Келин, сигир соғадиган идишни кўчага кўтариб чиқманг. Ҳовуздан сув олиш учун алоҳида пақир олинглар. Тозалаб ювиб, сўритокка бир илмоқ қилиб илиб қўйинг. Қачон ариққа сув келса, тўлдириб қўямиз, ҳовузнинг суви яримласа, маҳалладагилар қаерга сув истаб боради, деб жонимиз ҳалак бўлади. Ичи сут юқи, таши тупроққа аралашган пақирни сувга ботирсангиз, ҳамманинг ҳалқумини булғайсиз”, деганди.

Бу шунчаки гап эмас. Табиатнинг бебаҳо неъматига ҳурмат, қадр бор бу гапларда. Келин бўлиб тушган хонадонимда ҳам катта ҳовуз ва шундай анъаналар бор экан. Беш-олти йил яшагач, бир-икки маҳалла нарига янги иморат тиклаб кўчиб ўтдик. Ана шунда сув қийинчиликлари бошланди.

Ахборотлар кучайган даврга келиб, бир кишига йил давомида 60 тонна сув керак бўлади, деган фактларга кўзим тушгач, ўша кунлар ёди юракни тимдалай бошлайди. 1 кило картошка етиштириш учун 100 литр, 1 кило гуруч олиш учун — 4000 литр сув сарфланармиш.

Биз ўша даврларда Яратгандан ёмғир сўрардик. Ора-сира кўчадаги ариқларга сув келиб қолса, маҳаллада байрам бўларди. Умр йўлдошим уддабурон одам бўлгани учун томдаги қорлар эриса ёки ёмғир ёққанида тарновдан тушадиган сув учун махсус (бетондан) сув сақлагич қуриб берган, қишу баҳор ўша бетон ҳовузчамизда сув тўпланарди. Қурғоқчилик бошланиши билан “бир челак беринг”, деб эшик қоққанлар сони ортгандан-ортарди.

Ҳар неъмат исроф қилинса, албатта, уволи ҳам, заволи ҳам бўларкан. Болалик пайтимизда кўчамиздаги ариқда зилол сув оқиб турарди. Бир куни анҳор бўйида юз-қўлимни ювиб ўтирсам, маҳалламизда яшайдиган нуроний амаки: “Қизим, шундай оқил инсонларнинг боласи бўлатуриб беақлнинг ишини қиляпсанми, ахир ариқдаги сувдан одамлар ичади-ку”, деб қойиган эди. Мен индамай уйга кириб кетдим. Хаёлимда: “Ўзимизнинг кўча, ўзимизнинг ариқдан оққан сувга нега хўжайинлик қилади?”, деб ғашим келган. Онам ҳам доим: “Ариқдаги сувга супурма, чойнак-пиёлани бир човгум сув олиб кириб уйда юв, супургини оқаётган сувда чайма”, деб кўп насиҳат қиларди. Барибир ўз билганимдан қолмасдим. Рўзғор бошимга тушиб, сув танқислиги нима эканини билган кунларда ўғлим: “Аяжон, кўча бошидаги Маъруф амаки бор-ку, ўшанинг ўрдаклари ариқнинг ичида сузиб юрибди, биз шу сувни ичамизми?”, деб қолди. Кўнглимга ғашлик чўкди. Ўша одамнинг ёнига бориб: “Нега бундай қиласиз? Маҳаллада ҳамма ариқдаги сувдан фойдаланса, кўча бошида яшаб туриб сувни булғасангиз яхши эмас-ку”, дедим. У киши эса: “Сув етти юмаласа ҳалол бўлади. Эшигим олдидан оққан сувга ўзим эгаман, ишинг бўлмасин”, деган. Ғазабдан вужудим титраб қайтар эканман, қайтар дунё, деган нақл ёдимга тушди.

Ёз ойларида бир маҳаллага бордим. Кўпчилик гилам ювар, кўча ўртасига ташланган гилам устида ичимлик суви оқиб ётарди. Ўша кўчадаги маҳалла кайвонисига сув исроф бўлаётгани, бу борада маҳалла аҳли билан келишиб олиш зарурлигини айтдим. Қайтишимда бир аёл рўпарамга чиқди. “Сизнинг ишингиз бўлмасин, сув ишлатиш учун яратилган, пулини тўлаб ҳалоллаб ишлатяпмиз, аралашманг”, деди. Эҳтимол, бундай фикрда яшаётган фақат шу аёлмасдир. Агар шундай бўлса, улар эътиборига мана бу маълумотларни ҳавола қилган бўлардим:

Инсон очликка бир-икки ҳафта ҳам чидаши мумкин, аммо ташналикка уч кунгина бардош бера олади, холос. Дунёда тахминан 500 миллион киши сув тақчиллиги кескинлашган минтақаларда яшайди. Дунё ресурслари институти тахминларига кўра, 2040 йилга келиб, жаҳоннинг 33 давлати сувнинг ўта даражада танқислиги муаммоси билан тўқнашади. Булар орасида Марказий Осиё давлатларининг барчаси, яъни Ўзбекистон ҳам бор.

Қон босими кўтарилган беморга ҳам, аввало, бир пиёла сув тутилади. Ҳалокат ёки фожиадан даҳшатга тушган одамга сув ичириб, юзига муздек сув сепилади, юраги безовта бўлиб, жони ҳалқумига келган пайтда ҳам сув жонига малҳам бўлади. Шундай пайтда ўша бир пиёла сув топилмай қолса-чи, тополмай қолсак-чи?

Телеканалларда кун бўйи такрор-такрор намойиш этилаётган дори-дармонлар рекламасидан томошабин безор бўлгани чин. Шулар орасида сувни тежаб ишлатиш, исроф қилмаслик ҳақида турли роликлар яратилса, бир кўрганда эътиборга олмаса, икки-уч кўрганда кўнгилларга ўрнаша боради-ку! Юз-қўлини ювиётган болага онаси бир идишда сув қуйиб турса, тишини ювмоқчи бўлган қизалоқ бир стакан сув билан ораста бўлиб жилмайиб чиқса, буни такрор-такрор кўрган болаларимиз ўрганмасмиди?

Байрам кунлари хорижий мамлакатлардан биридаги мактаб ўқувчилари ҳақидаги фильм намойиш этилди. Ўша мактабда (эҳтимол, ҳаммасида) ҳар ҳафтанинг бир кунида “Кўклам” дарси бўларкан. Ўқитувчи дала кенгликларига болаларни олиб бориб, уларнинг қўлига теша, куракчалар тутқазди. Ер қандай чопилиши, қандай уруғ қадалиши, ҳатто лой ичидаги чувалчанглар ҳақида батафсил сабоқ берди. Болажонларнинг сумкачасида ҳар хил меваларнинг данаклари, уруғлари бор эди. Лойли тупроқдан шарчалар ясаб, унинг ичига мева данакларини жойлаган болалар уларни ўзлари истаган томонларга ота бошлади. Ўқитувчи “Кейинги дарсда унган ниҳолларни парвариш қила бошлаймиз”, деди.

Тўғри, бизда, айниқса, шаҳарларда ундай дала-туз, кенгликлар кўп эмасдир, аммо боғча ва мактабларда “Табиат ва биз” дарслари мунтазам ўқитилса, болаларимиз юрагида табиатга меҳр уйғонармиди... Ҳеч бўлмаганда катталар барпо этаётган “яшил майдон”ни топтаб кетмаслик кераклигини ўрганармиди... Гуллаган меванинг шохини синдириб, чаккасига тақишдан андиша қилармиди... Кўчаларда, жўмраги носоз кранлардан оқиб ётган сувни кўрса, жони ачийдиган бўлармиди... Арзимаган пулни “аппарат оғзига” қистириб, юз литр сув билан машинасини ювиётганларга, музлаб қолмасин учун водопровод жўмрагидан милтиратиб сув оқизиб қўяётганларга сувнинг қадр-қиммати нечоғлиқ баландлигини кўрсатиб қўядиган ҳужжатли фильмлар яратилса, қандай яхши бўларди.

Ахир ўзбек деган миллатнинг умри заҳматлар орасида ўтди-ку. Ҳазрати Навоий Фарҳод тимсолида фақат эр йигитнинг матонатини кўрсатиш учун сувни тасодифан восита қилмагани аниқ. Бу билан “Сув келтирган азиз” нақлининг моҳияти ва қадри беш-олти аср наридан эканини уқамиз. Ёри барпо этган қасрга “Ҳаёт булоғи” дан сув келтириш учун тоғни йўниб ариқ қазигани замирида катта сабоқ бор.

Ўзбек халқи тарихида, босиб ўтган йўлларида сув учун курашлар кўп бўлган. Катта Фарғона канали қурилган пайтда 170 минг киши тер тўккани, 45 кунда 160 километрли улкан канал қазилганини фахр билан тилга оламиз. Бобом раҳматли ўша кунларни қиқоя қилганда кўзлари ёниб, ғурурланиб ҳикоя қиларди:

— 1939 йилнинг биринчи августи эди. Жуда катта байрам бўлган. Карнай-сурнайлар чалинган, дошқозонларда ошлар дамланган. Кетмон, белкуракни елкага ортиб, ҳаммамиз меҳнатга бел боғлаганмиз. Кимлардир темир устунлари бўлмаса, қирғоғи бетон қилинмаса, катта сув оқса, нураб кетади, уриб кетади деб ишни тўхтатмоқчи бўлган. Аммо халқ бир муштга айланиб, ер қазишга тушди. Хотин-қизлар ҳам кўнгилли бўлиб меҳнат қилди. Тупроқ ортилган қопларни тортиб тепаликка олиб чиқиш қийин бўлганидан аёллар пақирларга солиб тупроқ таширди. Ҳеч ким томошабин бўлмади. Силласи қуриб, кесакка қоқилиб, ерга йиқилганлар ҳам бўлган. Шоирлар бориб, шеър ўқиди, санъаткорлар қўшиқ айтиб, рақс тушиб толиққан вужудларга ҳаловат берди. Кетмонлаб канал қазидик, юртга сув келтиришда эл бир бутун халққа айланди, болам. Сувга сероб бўлдик...

Ҳа, азизлар. Сувга сероб бўлдик. Ерга бир ҳовуч уруғ ташласак, бир қоп дон оламиз. Лекин бир қарашда беҳисоб кўринган ҳар неъматнинг ўлчови борлигини ҳамиша ёдимизда тутганимиз яхши.

Аллоҳ инъом этган бойлик бутун бир миллатнинг мулки, яна ҳам теранроқ айтсак, бутун инсониятнинг мулки.

Майли, дарёларимиз, булоқ, сойларимиз, шаршараларимиз қувончли, яхши кунларимизга ярасин. Лекин ўша буюк неъматларда фарзандларимиз, уларнинг зурриётларининг ҳам ҳаққи борлигини унутмайлик.

> “БУГУН БИЗНИНГ ОЛДИМИЗДА ТУРГАН ЯНА БИР МУҲИМ МАСАЛА — ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА СУВ ТАНҚИСЛИГИДИР. ТАРОЗИНИНГ БИР ПАЛЛАСИДА ЎСИБ БОРАЁТГАН ҚУРИЛИШЛАР, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТУРГАН БЎЛСА, ИККИНЧИ ПАЛЛАСИДА ҲАР БИРИМИЗ УЧУН ЭНГ ЗАРУР БЎЛГАН СУВНИ ТЕЖАШ, АТРОФ-МУҲИТ ИФЛОСЛАНИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАСИ ТУРИБДИ.

> **Ҳа, азизлар. Сувга сероб бўлдик. Ерга бир ҳовуч уруғ ташласак, бир қоп дон оламиз. Лекин бир қарашда беҳисоб кўринган ҳар неъматнинг ўлчови борлигини ҳамиша ёдимизда тутганимиз яхши.**

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 77.
8848 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:55 Топширилди — 00:25

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05